Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 56 (3557)
9 ПАЙШАНБА
МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Истеъмол буюмларига кенг йўл

ЮКСАК МАРРА САРИ

Кўн-галантерея фабрикаси коллективи зарбдор меҳнат йилида буюмлар хилини кўпайтиришга катта эътибор беряпти. Ҳозир фабрикада йигирма хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган икки ой мобайнида буюмлар ассортиментини иккитага кўпайди. Январь, февраль ойларида плондаги 60 минг сўм ўрнига 63 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

«Беш йилликнинг уч йили плани— СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача» шиори остида меҳнат қилаётган коллективнинг Зуҳрулла Ҳикматуллаев, Шамсиддин Шарипов, Матлуба Исмонлова, Шарипа Тошхўжаева сингари пешқадамлари вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Кўн-галантереячилар ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида пойафзал цехини реконструкция қилиш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаб, бунинг ҳисобига йилдан мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Фабрикада тежамкорлик борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Коллектив бу йил 3100 сўмлик хом ашё, 1,5 минг киловатт соат электр қуввати, олти тонна мазут тежаб қолишни мўлжаллаган.

Айни кунларда фабрика коллективи йиллик планни 7 октябрга қадар бажариб, СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида кун сайин социалистик мусобақани авж олдирмоқда.

• 22 апрель—коммунистик шанбалик куни

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан москвликларнинг 22 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини ёғ-мой комбинати коллективи ҳам қизғин қўллаб-қувватлади.

Куни кеча бу ерда коллектив йиғилиши бўлиб ўтди. Уни меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиги, комбинат партия ташкилотининг секретари М. Эрназарова кириш сўзи билан очиб, ёғ-мойчиларни апрелнинг тўртинчи шанбасида бир тан, бир жон бўлиб меҳнат байрамига чиқишга, шу куни юксак унумдорликка эришишга чақирди.

Минбарга катализаторчи М. Қаюмова кўтарилди.

— Автоклав цехи коллективи, —деди у, шанбаликда юксак унум билан меҳнат қилади.— Бизнинг аҳдимиз шундай: плондан ташқари 20 тонна озиқ-овқат саломаси ишлаб чиқарамиз. Бундан ташқари, меҳнатчиларимизнинг бир қисми ободончилик ишлари билан шуғулланиб, 200 туп дарахт, 950 туп бута, гул кўчатлари ўтқазишади ҳамда 1200 погон метр ариқни тозалаб беришади.

Сўзга чиққан нқтисодчи В. Ефремова барча хизмат бўлимлари ходимлари Москва ҳамда Тошкентдаги илғор меҳнат коллективларининг ташаббусини бир овоздан маъқуллаб, шанбаликда катта ҳажмдаги ободончилик ишлари билан шуғулланишларини айтди.

Шу кунги шанбалик программаси бир овоздан қабул қилинди. 22 апрелда 120 тонна озиқ-овқат саломаси ишлаб чиқарилади. Бу топшириқдагидан 20 тонна кўпдир. Шунингдек, планга қўшимча 10 тонна маргарин. 15 тонна қадоқланган ёғ, 2 тонна майонез ишлаб чиқарилади. Минг туп дарахт кўчати ўтқазилади, 6,7 минг погон метр ариқ шохобчалари тозаланади. Шанбаликдан тушган барча иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

ПРОГРАММА ТАСДИҚЛАНДИ

Тошкент халқ хўжалик институтида Бутуниттифоқ ленинчи шанбалик ўтказиш юзасидан штаб ташкил этилган. Штаб 22 апрель куни ўтказиладиган маросимлар программасини ишлаб чиқиб тасдиқлади. Шу куни кундузги бўлимнинг қарийб 5 минг студенти олий ўқув юртининг территориясини, шунингдек Комсомол кўли, Халқлар дўстлиги проспекти ва Ўзбекистон пойтахтининг бошқа кўчаларини кўкаламзорлаштиришда иштирок этади.

(ЎзТАГ).

Шаҳар индустрияси меҳнат одими

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни янада кўчайтириш тўғрисидаги Мактубига амалий иш билан жавоб бераётган Ўзбекистон пойтахти индустрияси ходимлари социалистик мусобақани янада авж олдириб юбордилар.

Ўзбекистон пойтахтининг саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича 1978 йилнинг январь-февраль ойлари планини 103,0 процент бажарди. Меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 101,8 процентни ташкил этди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,0 процентни ташкил этган бўлса, меҳнат унумдорлиги 1977 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан 4,9 процентга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини 74,3 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди.

«Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори остида мусобақани авж олдирган шаҳарнинг барча районлари ва корхоналари маҳсулот реализация қилиш бўйича йилнинг икки ойлик давлат топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

Шаҳар районлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ва ўсиш суръати қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

ШАҲАР РАЙОНЛАРИ	Реализация планининг бажарилиши (процентларда)		Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (процентларда)			1978 йилнинг январь-февраль ойларида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши (процентларда)
	1978 йилнинг февраль ойида	1978 йилнинг январь-февраль ойларида	Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	
Шаҳар бўйича	103,0	103,0	111,1	107,0	104,9	106,3
Киров райони	104,1	104,0	102,2	101,2	98,6	108,4
Куйбишев райони	100,9	101,4	101,6	102,5	100,1	82,5
Ленин райони	104,2	102,9	106,7	109,4	109,9	109,1
Октябрь райони	104,3	104,1	108,6	105,5	103,1	109,8
Собир Раҳимов райони	102,4	102,9	107,5	108,8	106,2	89,0
Сергели райони	102,8	103,0	102,6	111,0	108,5	107,5
Фрунзе райони	101,8	101,7	97,9	101,5	103,9	101,8
Чилонзор райони	104,0	103,6	112,2	114,8	111,2	101,0
Ҳамза райони	103,6	103,9	135,3	111,1	107,1	118,3

Тошкент саноати икки ой мобайнида пландан ташқари 12 миллион 970 минг сўмлик, шу жумладан, Киров райони 1.446 минг сўмлик, Куйбишев райони 1.101 минг сўмлик, Ленин райони 1.364 минг сўмлик, Октябрь райони 1.043 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 965 минг сўмлик, Сергели райони 628 минг сўмлик, Фрунзе райони 849 минг сўмлик, Чилонзор райони 842 минг сўмлик, Ҳамза райони 4.732 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Трактор, асбобсозлик, резина-техника буюмлари, лак-бўёқ, электротехника, газ аппаратлари, «Узбексельмаш», агрегат, «Ташэлектромаш» заводлари, тажриба-пилакашлик, ўйинчоқлар, кўн-галантерея буюмлари, мебель ойналари, 2-пойафзал фабрикалари, абразив, 1-ва 2-уйсозлик, ёғ-мой, 1-ёғочни қайта ишлаш комбинатлари, «Промстроймате р и а л ы» трести ва бошқа корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиш суръатини оширишда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Календарда биринчи кварталнинг сўнгги якуловчи ойи—март. Демак, ишлаб чиқариш коллективларининг бугунги кундаги вазифаси умумхалқ байрами — Биринчи майни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун меҳнат беллашувини янада авж олдириш, меҳнат суръ а т и н и янада ошириш, биринчи квартал топшириқларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажаришдан иборатдир. Шунингдек, шартномаларга кўра белгиланган ассортиментлар бўйича юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқариш, бунда асосан кам маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш лозим.

Беш йилликнинг уч йили плани—СССР Конституцияси кунигача

Янги моделда

Устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-филиали коллективи шу кунларда маҳсулот хилини кўпайтириш, с и ф а ти ва унумига алоҳида аҳамият беряпти.

БУГУН

корхонада маҳсулотнинг яна бир неча янги хилларини ўзлаштиришга киришилди. Шулардан кичик ёшдаги болалар учун тоза жундан тикилаётган жакетлар, шим, гамаш, спорт костюмлари, экслардан тикилаётган аёллар жакети, эркаклар учун тоза жундан тикилаётган жакетлар янги хил моделда тайёрланиб, бежиримлиги билан ажралиб туради.

Филиалда бригадалараро социалистик мусобақа кенг тус олган. Бу мусобақада В. Салимова бригадаси биринчиликни олди. Мусобақа яхши самара беряпти. М. Абдуллаева, Р. Мирюнусова, Т. Раҳматуллаева, А. Рустамова сингари қўли гул чеварлар беш кунлик топшириқларни тўрт кунда бажариб, бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда. Бу чеварлар ойлик топшириқларини 140 — 150 процентлан адо этиб, 1979 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда.

Йиллик планни муддатидан илгари — СССР Конституциясининг бир йиллигига бажаришга бел боғлаган коллектив ўз зиммасига олиширилган социалистик мажбурият қабул қилган.

Д. ИКРОМОВА.



Агрегат заводининг кўплаб ишчилари «Беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажарамиз!» шиори остида меҳнат қилишмоқда. Ана шундай ишчилардан бири 1-цехнинг илғор йўнувчиси Никодим Тягнибеда. У смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ўз сўзининг устидан чиқиш учун курашмоқда.

ҚАНДОЛАТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

БУГУН

булка-кондитер комбинати бешинчи цехи ишчиларининг йил бошидан бери реализация қилган ширинликлари 700 тоннага етди.

Цехда ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада новвот ишлаб чиқариш участкаси коллективи пешқадамлик қилияпти. Бу участкадаги Олимжон Аҳмадохунов бошлиқ бригада қандолатчилари зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, ҳар куни белгиланганидан анча ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Бригада коллективи йил бошидан бери салдо тармоқларига 85 тоннадан ортиқ новвот жўнатди. Кейинги пайтларда, бу ерда қиёмни қозонга насос ёрдамида қўйишга ўтилганлиги ишлаб чиқаришда қўл меҳнатини анча қисқартириш имконини берди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

● **1977 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра ғолиб чиққан меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини топширишга бағишлаб тантанали йиғилишлар ўтказилмоқда.**

Калинин райони меҳнаткашлари, 160-қурилиш трести. Ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинати ва бошқа корхоналар ҳамда хўжаликларга бундай байроқлар топширилди.

● **22 апрель—В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигида Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини ўтказиш ташаббусини бошлаб берган москвликларнинг чақириғини қўллаб-қувватлаётган коллективлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда.** Ана шу воқеага бағишлаб 800 дан зиёд меҳнат коллективларида ўтказилган митинглар ва йиғилишларда 132,5 минг киши қатнашиб 4 мингдан ортиқ киши сўзга чиқди. Улар «Қизил шанбалик»ни юксак меҳнат унумдорлиги билан ўтказиш, қўшимча резервлар ва имкониятларни излаб топиш, тежаб қолинган энергетика ресурслари, ёқилғи ва материаллар ҳисобига ишлашга бел боғладилар.

● **Янгийўлдаги ун заводида ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда унинг қадоқлайдиган технология ускуналари янада янги замонавий намуналари билан алмаштирилди.** Бу янгилик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва маҳсулот ҳажмини икки марта кўпайтиради.

● **«Промтехмонтаж» трестининг Чирчиқдаги қурилиш бошқармасида йиллик қуввати 10 миллион сўмликдан зиёд бўлган типовой узеллари** тайёрлайдиган ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. Ана шу участканинг коллективи февраль ойи планини 118 процент бажарди.

• Бизнинг интервью

Автомат бошқаради

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида «Олий ўқув юртларини бошқаришни автоматлаштириш» системаси устида иш олиб борилмоқда. Жамоатчи мухбиримиз университет ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқовдан шу ҳақда гапириб беришни сўради.

— Бошқаришни автоматлаштириш дейилганда тасаввуримизда ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш пайдо бўлади. Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ташкилотлар фаолиятини юритиш учун ҳам автоматлар ёрдамига тобора кўпроқ мурожаат қилинмоқда.

Университети м и з амалий математика ва механика факультетининг ҳисоблаш маркази ходимлари «Олий ўқув юртларини бошқаришни автоматлаштириш» системаси устида иш олиб бориб, маълум ютуқларга эришмоқдалар.

1977— 1978 ўқув йилидан бошлаб қабул қилинган ва кундузги бўлимда таълим олаётган ҳар бир студент ҳақидаги барча маълумотлар ҳисоблаш марказида жойлашган ҳамда электрониканинг энг сўнгги ютуқлари натижаси бўлган ЕС— 1020 ҳисоблаш машинаси «хотираси»да сақланиб боради. Студент университетни тугатиб, мутахассислиги бўйича тақсим этилгунга қадар, бу маълумотлар бойиб бораверади ва улардан исталган вақтда осон фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, олий ўқув юртига қабул қилиш, сессия натижалари, стипендия белгилаш, кадрлар бўлими, автоматлаштириш, бухгалтерия ишлари, бўйруқ ва кўрсатмаларнинг бажарилишини кузатиб бориш, студентларни мутахассислигини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш, кутубхона фондини машинага киритиш ҳамда керакли китоб ҳақида исталган пайтда тез ва аниқ маълумотлар олиш каби мураккаб ишларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бир зумда бажариш имконияти вужудга келади.

«Олий ўқув юртларини бошқаришни автоматлаштириш» системасини ишлаб чиқишга проректор Э. Н. Куценко ва ҳисоблаш марказининг раҳбари, физика-математика фанлари кандидати, доцент М. Орипов бошчилигидаги бир группа илмий ходимлар ҳамда факультетнинг битирувчи курс студентлари жалб этилган.

Самарқанд, Нукус Давлат университетлари, автомобиль йўллари, тўқимачилик ва енгил саноат институтларидан юборилган ходимлар янги система билан таништириб, тажриба алмашмоқдалар.

О. НАЗАРОВ.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Инженерлик мадади»— газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада «Ишчи ташаббусига— инженерлик мадади» шиори остидаги мусобақанинг кенг кўлоч ёйётганлиги ҳақида, бу муҳим ташкилий-сиёсий вазифанинг аҳамияти ҳақида гапирилади.

● Учинчи бошқариш маркази хабар қилади: бошқариладиган «Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» илмий-тадқиқот комплексининг орбита бўйлаб парвози давом этмоқда, Кеча Юрий Романенко, Георгий Гречко, Алексей Губарев ва Владимир Ремек учун актив ҳордиқ чиқариш куни бўлди. Космонавтлар бажарилган экспериментларнинг натижаларини тартибга келтирдилар, жисмоний машқларни бажардилар, хоналарни тозалаб, тадқиқотларга доир материалларни, корреспонденцияни Ерга жўнатиш учун тайёрлаб қўйдилар.

● Мамлакатимизнинг ҳаётига оид ва чет эллардан олинган турли туман хат ва хабарлар босилган.

Идеология ишлари хроникаси

Қизиқарли мавзуда

Октябрь район партия комитети марксча-ленинча ўқув шохобчалари пропагандистлари учун семинар ташкил этди. Семинарда тарих фанлари доктори, профессор Ч. А. Абутолипов «Социалистик турмуш тарзи— совет жамиятининг улкан ютуғи» деган мавзуда лекция ўқиди.

Атеистик пропагандага бағишлаб

Яқинда Октябрь районидаги «Самарқанд дарбоза» маҳалласида район партия комитети ва республика илмий-атеизм уйи ташаббуси билан «КПСС XXV съезди талаблари асосида меҳнаткашлар ўртасида атеистик тарбияни янада кучайтириш масалалари»га бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда фалсафа фанлари доктори, профессор А. Ортиқов «СССР Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари», республика илмий-атеизм уйи лектори Ғ. Набиев «Эски урф-одатларга барҳам беришда янги анъана ва маросимларни турмушга сингдириш масалалари» ҳақида доклад қилишди.

А. МАҲСУМОВ.

• Қурилиш майдонида

ЗАРБДОР СУРЪАТ

Уйғур кўчасининг ҳар икки томонида қад ростлаган «Марказ-26» квартали катта қурилиш майдонига айланган. Бу ерда бинокорлик ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

— Марказ қурилиши ўтган йили июль ойида бошланган, — дейди «Жилстрой» трестининг участка прораби Воҳид Турғунов.— Бу ерда 29 та 32 квартирали тўрт қаватли турар жой биноларини қуриб фойдаланишга топширишимиз керак. 1977 йилда барча қулайликларга эга бўлган тўртта уй қурилишини битказиб, фойдаланишга топширдик. Бу йил зиммамизда катта вазифалар турибди. Йил охиригача «Марказ-26» кварталининг иккинчи навбатини қуриб битказишимиз керак. Шу кунларда 39 ва 40-турар жойлар қурилишини биринчи кварталда битказиш учун зарбдор суръат билан меҳнат қилмоқдамиз.

Мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган меҳнат беллашувида Октябрь район Советининг депутати, бетончи Мария Смирнова, партия аъзоси монтажчи Франс Гадлиевский, Раиса Гараева, Жўра Абдурахмоновлар кўпчиликка ўрнак кўрсатишмоқда.

Ф. РАҲИМОВ.

ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН

Партия ва ҳукуматимизнинг илҳомбахш Мактубидан руҳланган 8-қурилиш трестига қарашли 3-пардоз ишлари бошқармасининг Павел Шокин раҳбарлигидаги жилокорлар бригадаси сифат ва самарадорлик беш йиллигининг зарбдор йилида катта режалар асосида меҳнат қилмоқдалар. Айни кунларда улар Сулаймонова кўчасида қад кўтарган Ўзбекистон ССР Давлат План Комитетига қарашли инженерлик-лаборатория корпусида пардоз ишларини бажаришмоқда.

— Ўн етти нафар пардозловчини бирлаштирган аҳил коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўз ишига масъулият билан ёндошади. Ҳозирги кунларда июль ойи ҳисобига меҳнат қилаётган коллектив уч йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш ниятида.

П. Шокин бригадаси материалларни тежаб-тергаб ишлатиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш орқали бу йил 10 тонна цемент, 10 тонна алебастер, 15 куб метр коришма ҳамда 100 киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилишга қарор қилган. Бундан ташқари, сифатли иш бажариш билан бирга, топшириқларини 120—130 процентдан адо этмоқда,— дейди бригада етакчиси.

П. Шокиннинг ўз коллективи ҳақида фахрланиб гапиришига жон бор. Чунки, бригаданинг ҳар бир аъзоси ўз ишига масъулият билан ёндошади. Ҳозирги кунларда ишлаётган коллективнинг Ғайратулла Ғаниев, Ғайратулла Ғаниев, Ғайратулла Ғаниев сингари ишчилари ҳам ўз сифатли ишлари билан ажралиб туришади.



Айни кунларда «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида иш қизғин. Машинасозлар дала меҳнатчиларига кўплаб қишлоқ хўжалик машиналарини етказиб бериш учун курашмоқдалар.

СУРАТДА: йиғув цехининг илғор слесари Валерий Крицкий ва бригада бошлиғи Носир Мақсудов УПХ 1,5 «В» кўсак чувиш машинасини йиғишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

КОМПОЗИТОРЛАР—ЁШ СОЗАНДАЛАРГА

Ўзбекистон композиторлари билан бўлган учрашувда Ҳамза номли республика музика билим юртининг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри янги программа асосида ўз маҳоратини намойиш қилди. Ўқувчилар халқ қўшиқларини ва куйларини, ҳозирги замон ўзбек авторлари, бошқа республикалар композиторларининг асарларини ижро этдилар.

Сотволди Каримов узлуксиз раҳбарлик қилиб келаётган билим юрти оркестрида ҳозир 80 дан ортиқроқ киши бор. Бу ижодий коллектив Тошкент корхоналари ва муассасаларида ўз маҳоратини тез-тез намойиш қилиб туради.

(ЎзТАГ).

• Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантирамиз!

УЙЛАР АТРОФИ КЎРКАМЛАШАДИ

Октябрь ва Киров районларидаги корхона, ташкилот, муассасалар ва ўқув юртлари, уй-жой органларининг шаҳримизнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш бўйича икки ойлик ташаббусига қўшилган Ленин район уй-жой бошқармаси ишчи, хизматчилари келаси шанбадан бошлаб умумхалқ ҳашарларига чиқишга аҳд қилишди. Уй-жой бошқармасининг бош инженери Вильям Михайлович Кимнинг мухбиримизга хабар қилишича май ойигача бўлиб ўтадиган ободонлаштириш икки ойлигида 8,5 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтқазилади. 2 мингга яқин ирригация шохобчалари чиқиндилардан тозаланади.

Хозир райондаги 17-ЖЭК ишчилари бошқа ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишмоқда. Стародубцев ва Оқолтин кўчаларидаги тўрт қаватли уйлар ва бир қаватли 328 хонадон атрофи чиқиндилардан тозаланиб, дарахт кўчатлари учун чуқурчалар қазиб қўйилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида турар жой массивларидаги тўртта болалар майдончаси ремонтдан чиқарилади. Умуман, район бўйича бу йилги жорий ремонт ишлари учун 396 минг сўм, капитал ремонтлар учун миллион сўм ажратилди. Фақат ободонлаштириш ойлигида олиб бориладиган жорий ремонт ишлари учун 84 минг сўм, капитал ремонти ишлари учун 98 минг сўм ажратилади.

Ташаббусга қўшилиб

Ҳамза районида шаҳримизда бошланган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича ўтказилаётган икки ойликка бағишланиб, йиғилиш бўлиб ўтди. Райондаги барча корхона, ташкилот, муассасалар ва ўқув юртлари, уй-жой органлари иштирокида бўлиб ўтган бу йиғилишда Ҳамза райони меҳнаткашлари ана шу икки ойликда актив иштирок этишга аҳд қилишди.

Район ободончилари аҳоли ёрдамида 123 минг туп дарахт кўчати ўтқазишади. Шундан 49 минг тупи яшил тўсиқ бўлиб, ҳамда электрониканинг энг сўнгги ютуқлари натижаси бўлган ЕС— 1020 ҳисоблаш машинаси «хотираси»да сақланиб боради. Студент университетни тугатиб, мутахассислиги бўйича тақсим этилгунга қадар, бу маълумотлар бойиб бораверади ва улардан исталган вақтда осон фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, олий ўқув юртига қабул қилиш, сессия натижалари, стипендия белгилаш, кадрлар бўлими, автоматлаштириш, бухгалтерия ишлари, бўйруқ ва кўрсатмаларнинг бажарилишини кузатиб бориш, студентларни мутахассислигини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш, кутубхона фондини машинага киритиш ҳамда керакли китоб ҳақида исталган пайтда тез ва аниқ маълумотлар олиш каби мураккаб ишларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бир зумда бажариш имконияти вужудга келади.

«Олий ўқув юртларини бошқаришни автоматлаштириш» системасини ишлаб чиқишга проректор Э. Н. Куценко ва ҳисоблаш марказининг раҳбари, физика-математика фанлари кандидати, доцент М. Орипов бошчилигидаги бир группа илмий ходимлар ҳамда факультетнинг битирувчи курс студентлари жалб этилган.

Самарқанд, Нукус Давлат университетлари, автомобиль йўллари, тўқимачилик ва енгил саноат институтларидан юборилган ходимлар янги система билан таништириб, тажриба алмашмоқдалар.

О. НАЗАРОВ.

Октябрь ва Киров районлари корхоналарининг шаҳримизнинг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича ўтказилаётган икки ойликка бағишланиб, йиғилиш бўлиб ўтди. Райондаги барча корхона, ташкилот, муассасалар ва ўқув юртлари, уй-жой органлари иштирокида бўлиб ўтган бу йиғилишда Ҳамза райони меҳнаткашлари ана шу икки ойликда актив иштирок этишга аҳд қилишди.

Район ободончилари аҳоли ёрдамида 123 минг туп дарахт кўчати ўтқазишади. Шундан 49 минг тупи яшил тўсиқ бўлиб, қолгани мевали ва манзарали дарахтларни ташкил этади.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида район кўчаларидаги барча ирригация шохобчалари чиқиндилардан тозаланиб, зилол сувлар учун тахт қилиб қўйилади. Хозир районда кўчат ўтказиш учун чуқурчалар қазиш ниҳоясига етказилмоқда.

Октябрь ва Киров районлари корхоналарининг коллективларини шаҳримизнинг янада обод ва кўкаламзор бўлиши учун икки ойлик ташаббусига қўшилган район меҳнаткашлари ҳар куни умумхалқ ҳашарига чиқишиб, 60 соат ишлаб беришади.

• *Иш тажрибасидан*

ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРА БОРИБ

Фрунзе районининг саноат корхоналарн, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотларн ва муассасаларида бугунги кунда халқ контролининг 420 группа ва пости иш олиб бормоқда. Буларга олти мингга яқин назоратчилар бирлашган. Район эришаётган ютуқларда назоратчилар йил сайин кўпроқ ҳисса қўшиб бормоқдалар. Бунга халқ контроли группа ва постларнинг ишига партия раҳбарлигининг мутасил такомиллашиб бораётганлиги туфайли эришилмоқда.

Бу раҳбарлик аввало, район партия ташкилотининг халқ контролига кадрларни танлашида ўз аксини топмоқда. Шуни айтишнинг ўзи кифояки, ҳозир халқ контролининг группа ва постларидаги аъзоларнинг 45 процентга яқинини коммунистлар ташкил этадилар.

Кейинги йилларда Фрунзе район партия комитети район халқ контроли комитетини, унинг штатсиз бўлимлари, группа ва постларнини мустаҳкамлаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширди. Халқ назоратчилари комитети, группа ва постларининг фаолиятларида юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислар, хизматчилар қатнашмоқдалар. Уларнинг аксарияти партия комитетларининг аъзолари, орденли, Олий ва маҳаллий Советларнинг депутатларидир. Узбекистон ССР Олий Совети депутати, «Таштекстильмаш» заводи токари Н. Марнов, маҳаллий Совет депутатлари— тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг ишчилари Г. Жумабеков ва Л. Мирзараҳимов, пардозлаш тресті, 20-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси Зинаида Савчук, ана шу бошқарма пардозловчилар бригадаси бошлиғи В. Данышпанлар фаол назоратчилар ҳисобланадилар.

Халқ контроли группа ва постларига раҳбарликнни яхшилаш масаласи юзасидан ҳар йили партия активи ўтказиш район партия комитети фаолиятида анъана бўлиб қолган. Бу йил ана шундай актнвда «КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми талабларн асосида халқ контроли группа ва постларига партия раҳбарлигининг ҳолати ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Буларнинг ҳаммаси район халқ контроли комитети бўлимлари, группа ва постларида ишчанлик, амалийлик ва принципиаллик тобора ошиб бораётганлигида ўз аксини топмоқда. Назоратчилар рейд ўтказилган жойда иш узилкесил йўлга қўйилган тақдирдагина, рейд тугаган деб ҳисоблайдилар. Масалан, район халқ контроли комитетининг транспорт ва алоқа бўлими район партия комитети бюросига райондаги транспорт ташкилотларида ёнилғи-мойлаш материалларини иқтисод қилиш тўғрисидаги масаланн тайёрлаш билан шуғулланди. Қайта текширувда баъзи бир автомобиль хўжаликларининг раҳбарлари камчиликларни бартараф этишга етарли даражада эътибор бермаганлар. Қайта текширув натижалари район халқ контроли комитетининг кенгашида ҳар томонлама принципиаллик билан таҳлил этилди. Ана шу принципиаллик район автохўжаликларига ўтган йили 226 тонна бензин ва 10 тонна дизель ёнилғисни тежаб қолишларига имкон берди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Утган йили район партия комитетида «Таштекстильмаш» заводи, эксперименталь фурнитура— пластмасса заводи партия ташкилотларининг халқ контроли группа ва постларига раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ана шу муҳокама халқ контроли группа ва постлари фаолиятини нескин активлаштирди, район партия комитети халқ назоратчиларининг текширув ва рейдлар натижасини шунчаки эмас, балки амалий муҳокама этишларига эришмоқда. Бу борада тўқимачилик комбинати, пойафзал бирлашмаси, 1-темир-бетон буюмлари заводи, пардозлаш тресті, қурилиш материаллари комбинати, Низомий номли педагогика институти, «Гидропроект» лойиҳалаш институтининг халқ назоратчилари айниқса сезиларли даражада ижобий натижаларга эришдилар.

Район партия комитети яқинда район халқ контроли комитетининг 1978 йилги иш планини маъқуллади. Назоратчилар олдида улкан вазифалар турибди. Районнинг 18 саноат корхонаси беш йилликнинг учинчи йилида қолоқларсиз ишлаш, 80 ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш, москваликларнинг ташаббусига жавобан 4 завод, 2 қурилиш бошқармаси, 12 цех, 58 бригада беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш мажбуриятини олган. 1978 йилда район қурувчилари 31 минг квадрат метр уй-жой, иккита болалар боғчаси бунёд этишлари, «Средазтеплоэлектропроект» институтининг корпусини қуриб битказишлари, «Таштекстильмаш» заводи қуюв цехини, тўқимачилик комбинатининг бўёқ цехи, абразив комбинатининг олмос асбоблари цехини фойдаланишга топширишлари керак. Йиллик планга қўшимча 5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Район халқ назоратчилари ана шу юксак марраларни эгаллашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, албатта.

Р. ПОДМАРОВ,
Фрунзе район халқ контроли комитетининг раиси.



Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ контроли комитети ўз ишини аниқ, уюшқоқлик ва юксак самарада олиб бормоқда. Назоратчилар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар.

СУРАТДА: бирлашма халқ назоратчиларн активистларидан А. Захаревич, Ш. Адинаев, С. Ташаевлар корхона цехларидан бирида тайёрланган деталлар сифатини нўздан кечиришмоқда.

А. Кашапов фотоси.

• *Шаҳар халқ контроли комитетида*

Давлат ҳисобига сахийлик

Халқ назоратчиларн Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитетида олиб борган текширувларида штатмолия интизомлари жиддий равишда бузилганлигини топдилар. Масалан, комитет ҳисобида турувчи ГАЗ-21 автомашинаси ва «НИССА» микроавтобуси авторемонт заводида тўрт ойдан ортиқроқ туриб қолди. Ана шу вақтда ташкилот бухгалтерияси ҳайдовчи Колпаков билан Голоколенцевга ойликни тўлаб турди. Натижада давлатнинг 1100 сўмга яқин пули қонунсиз тўланди.

Комитетда шофёрларнинг ўзлари йўл варақаларини тўлдиришлари, расмийлаштиришлари ва тасдиқлашлари одат тусига кириб қолган. Чет кишиларнинг автотранспортларини ремонтга бериш оддий воқеа бўлиб қолган. Ўтган йилнинг март ойида ана шу мақсадлар учун қонунсиз уч юз сўмга яқин маблағ сарфланган.

Текширувда штат рўйхатини бузиш фактн ҳам топилди. Масалан, граждапка Озолина комитетда етти ой давомида инструктор бўлиб ҳисобланди. Амалда эса ,у секретарь-машинистка вазифасини бажариб келди. Ана шу қоида бузиш учун ортиқча 558 сўм тўланди.

Айниқса қимматли материалларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлашда қоида бузишга катта йўл қўйилган. Омбор мудири Галкин ускуналар ва инвентарларни мутлақо ҳисобга олиб бормаган. Омборга чет кишиларнинг киришига йўл қўйилган. Материалларни ҳисобдан чиқаришда комитетда етти ой давомида инструктор бўлиб ҳисобланди. Амалда эса ,у секретарь-машинистка вазифасини бажариб келди. Ана шу қоида бузиш учун ортиқча 558 сўм тўланди.

Айниқса қимматли материалларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлашда қоида бузишга катта йўл қўйилган. Омборга чет кишиларнинг киришига йўл қўйилган. Материалларни ҳисобдан ўчириш етарлича расмийлаштирилмаган. Натижада ҳозирги омборда уч минг сўмлик камомат мавжуд.

Ана шу фактлар шаҳар халқ контроли комитетининг мажлисида атрофлича кўриб чиқилди. Хўжасизлик ва талон-тарожга йўл қўйганлиги учун физкультура ва спорт шаҳар комитетининг раиси Н. Бойжоновга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Давлатга келтирилган зарарнинг бир қисмини ундириб олиш мақсадида унга бир ойлик маоши ҳажмида жарима солинди.



● ЗАРБДОР ЙИЛНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

● ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ОММАГА

● МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

● ТЕМИР ЙЎЛ ЮК СТАНЦИЯСИДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК

СОНДА БОР, ҲИСОБДА ЙЎҚ

Шаҳар халқ контроли комитети 54 та корхонада моддий ресурслар ва ўрнатилмаган ускуналарнинг рўйхатга олинишн аҳволини текшириб чиқди. Текширув натижасида кўпгина корхоналарда моддий ресурслар ва ўрнатилмаган ускуналар рўйхатга олинганлиги қайд қилинади.

Шу билан бирга, деб қайд қилинади шаҳар халқ контроли комитети қабул қилган қарорда, «Главташкентстрой»нинг, Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг бир қатор корхоналарида, «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узглавводстрой»нинг моддий-техника таъминоти бошқармаси, Узбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ташпромстрой» трести ҳамда Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинатида моддий ресурслар ва ўрнатилмаган ускуналарни рўйхатга олишда бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Ана шу корхоналарнинг раҳбарлари моддий ресурсларнн ҳўжалик оборотига тўлароқ жалб этишга ҳамда моддий-техника таъминотнни планлаштиришни яхшилашга қаратилиб ўтказилган рўйхатга олишнинг муҳимлигини тўла баҳолай олмадилар.

Шаҳар халқ контроли комитетининг қарори билан ана шундай камчиликларга йўл қўйган 1- ва 2- уйсозлик комбинати директорлари Тарасевич ва Чугаевскийга қатгиқ виговор, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг моддий-техника Бош бошқармаси базаси директорининг ўринбосари Жалилов, «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари Пугачев ўртоқларга виговор берилди.

«ТЕХНОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмамиз шаҳарда энг йирик бирлашмалардан ҳисобланади ва унинг план топшириқларини йил сайин муваффақиятли бажараётганлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи эришган ана шу муваффақиятлар билан халқ назоратчилари ҳақли равишда фахрланадилар. Ҳозир уларнинг сафи 160 кишидан ошган. 13 цех халқ контроли группаси ва бешта постга бирлашган халқ назоратчилари ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларини ўз назоратларига олганлар. Назоратчилар ўз фаолиятларини бутунлай партия комитети томонидан тасдиқланган перспектив план асосида олиб бормоқдалар. Ана шу планда иқтисодий тежамкорлик масаласи бош вазифалардан бири қилиб қўйилган. Назоратчилар томонидан олиб борилаётган ҳар бир рейд, ҳар бир текширув тежамкорлик шиори остида ўтиши билан бирга, ҳар сафар неча минг сўмлаб халқ контроли бош группасининг мажлисида муҳокама этилди, ана шу хўжасизлик айбдорлари жавобгарликка тортилдилар.

• *Группа ва постларда*

ТЕЖАМКОРЛИККА ЭЪТИБОР

Иқтисодий тежамкорликка эришиш имконини беради. Масалан, ўтган йил охирида халқ назоратчилари бирлашманинг 3-территориясида ускуналарнинг сақланиши ва ҳисобга олиниши, деталлар комплектини текширдилар. Улар ускуналар тартибсиз ҳолда сақланаётганлигини кўрдилар. Уларни ҳисобга олиш эса, ёмон йўлга қўйилган. Текширув натижасн халқ назоратчилари томонидан ўтказилган тежамкорлик кўриги бирлашмага катта фойда келтирди. Кўрик давомида назоратчилар томонидан металлни, электр энергияси ва ёнилғини тежаб-тергаб сарфлашга қаратилган 122 таклиф тушди.

Кўрик давомида айниқса бўлим бошлиғи Л. С. Маркман раҳбарлик қилган бош группа секторн аъзолари активлик кўрсатдилар. Ана шу секторнинг халқ назоратчилари таклифи билан бирлашмада ускуналар, приборлардан, ишчи вақтидан оқилона фойдаланишга багишланган кўпгина масалалар муваффақиятли ҳал этилди.

Бирлашма халқ назоратчилари актив рационализаторлар ҳамдир. Масалан, бўлим термнсти В. В. Шевченко пахта териш машиналари учун тайёрланадиган шпинделларнинг янги технологиясини ишлаб чиқди. Ана шу таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиш шпинделлар сифатини бир мунча яхшилаш. давлатнинг 20 минг сўмдан кўпроқ маблағини иқтисод қилиш имконини берди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Л. ЧЕН,
«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли бош группасининг раиси.

◆ МЕТАЛЛ — ХАЛҚ БОЙЛИГИ

ТАРТИБ ЎРНАТИЛДИ

Газ аппаратлари заводининг халқ назоратчилари ҳамма нарсага эътибор билан қарайдилар. Яқинда завод халқ контроли группаси томонидан қора ва рангли металлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш юзасидан текширув ўтказилди. Текширувда слесарь йиғувчи В. С. Смаль, экспедитор М. А. Асадуллаев, инженерлардан А. Қ. Қодиров, К. В. Кадишнов, А. Тўлаганов ва бошқа назоратчилар қатнашдилар. Рейдга асбобсозлик цехининг йўнувчиси К. А. Нисмачний раҳбарлик қилди.

Назоратчилар текширув давомида корхона цехлари ва территориясида кўпгина металл чиқиндилари ва брак деталлар ҳар тарафга сочилиб ётганлигини аниқладилар. Шундай қилиб заводда 50 тоннага яқин металнн занг босдн. Рейд натижаси корхона партия комитети ва маъмуриятига маълум қилинди. Топилган хўжасизликни бартараф этиш юзасидан тадбирлар плани зудлик билан ишлаб чиқилди. Ана шу планни амалга оширишда яна назоратчилар раҳбарлик қилдилар. Улар корхонада бир неча шанбаликлар ташкил этишди. Металнн тежаш нормаларини қайта кўриб чиқишга эришдилар, металл чиқиндилари тўпланадиган майдон қурдилар. Илгарилари чиқитга ташланадиган пўлат бўлакларидан ҳозир халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Эндиликда заводда бир килограмм ҳам металл нобуд бўлмайдиган қилиб тартиб ўрнатилди.

А. ДОРОНИН,
халқ назоратчиси.

СИНГАН ОРАЛАБ СТАНОК

ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ ҚОМИТЕТИ ВА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Ҳар кунн темир йўл орқали шаҳримизга минглаб тонна ҳар хил юклар келтирилади. Уларнинг кўпчилигн белгиланган адресга ўз вақтида етказиб берилади, муваффақиятли монтаж қилинади ва фойдаланишга топширилади. Шу билан бирга, шаҳар халқ контроли комитетига ва «Тошкент оқшомн» редакциясига копаётган хатларда темир йўл станцияларида юк саройидан ойлар давомида олиб кетилмасдан ётган ўнлаб станоклар ва агрегатларнн учратиш мумкинлиги, улар синган ва сочилиб ётганлиги айтилади. Нима учун шундай бўляпти! Минглаб километр масофадан келтирилган қимматбаҳо ускуналар кимнинг айби билан яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда! Ана шу саволлларга жавоб бериш мақсадида биз бир қатор темир йўл станцияларида рейд уюштирдик.

Шумилов станцияси

Бу темир йўл станция — Тошкент темир йўл тармоқлари орасида энг йириги ҳисобланади. Станция деярли жаҳоннинг ҳамма томонларидан келтириладиган катта ҳажмдаги юкларни, оғир контейнерларни ортиш ва туширишга ихтисослаштирилмоқда. Биз юк саройига келиб унинг майдонларн юкларга тўлиб ётганлигини кўриб ҳайрон қолдик. Контейнерлар 2—3 қават бўлиб турар, чор атрофда сингган яшиклар, занглаган темир-терсаклар сочилиб ётар эди. Ана шу уюмлар устидан юк ортган машиналар зўр-базўр йўл топиб ўтар эди.

— Нима ҳам қилар эдик, — дея қўлларини ёзди станция бошлиғи Н. Т. Қодиров, — мижозларимиз ўз контейнерларини вақтида олиб кетмайдилар. Уларни олиб кетиш учун белгиланган муҳлатлар тўрт-беш баравар ортиб кетмоқда. Бизда ҳали бир неча ойлаб эгасини кутиб ётган юклар ҳам бор.

Бошлиқ шу сўзларни айтар экан, биз ярми бузилиб кетган катта яшик ёнига бордик. Тахталар орасида чет эллан келтирилган мураккаб станокни кўрдик. Бу станок шаҳримизга 1976 йилда келтирилган, лекин унинг эгаси

— «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси ҳамон олиб кетмайди. Эҳтимол корхонага станок керак эмасдир?

— Нима учун керак бўлмас экан, жуда ҳам зарур-да, — деб ҳайрон бўлди бирлашма директорининг ўринбосари В. Кирлов. — Биз шунчаки билмабмиз.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — дея ажабланди станция бошлиғи, — юк келтирилганлиги тўғрисида сизларга беш бор хат ёздик.

Станция бошлиғи ҳақ эди. Бирлашмадагилар станок ҳақида унутиб юборишган. Улар бундан ташқари, станцияда 1977 йилдан буён турган яна иккита импорт станоги тўғрисида ҳам унутишган. Ана шу станокларнинг занг босиб ётган корпусларига нигоҳ ташлаган киши бирлашма раҳбарларининг «унутишлари» давлатга қанчалик қимматга тушганлигини тасаввур қилади. Бу станоклар ишлай олиши тўғрисида ҳеч ким ишончли бир сўз айта олмайди. Ана шундай хўжасизлик учун айбдор шахслар ҳар томонлама бамайлихотир юрибдилар.

Станцияда бироз юриб кабель ўралган катта барабанлар уюмига дуч келдик. Уларнинг баъзи бирлари сингаи, кабель ўрамлари бўшаган ва бузилган эди. 186 тонна камёб кабеллар бир ярим ойдан буён станцияда ётса-ю, кабель махсулотлари ихтисослаштирилган базаси раҳбарлари уларни тезроқ ишга туширш тўғрисида ўйлаб кўрмасалар, бунга нима деса бўлади?! Базадагиларнинг бамайлихотирлиги сабабли браккa чиқаётган кабеслар кун сайин кўпайиб бормоқда. База директорининг ўринбосари Д. Никитенко буни билармикан?

— Биламан, лекин бирон иш қилолмайман, деган жавоб бўлди. Ёнилғи йўқ, кабелни ортиб кетадиган транспорт ҳам йўқ.

Бундай боқибеғамлик давлатга минглаб сўм зарар келтираётганлиги ачинарли ҳолдир. Биз Шумилов станциясининг юк саройини айланиб чиқар эканмиз, шундай хулосага келдик. Станцияга келтириладётган баъзи бир юклардан белгиланган муддатда фойдаланила олмаётганлигига фақат мижозларнинг айбдор эмас. Бунга кўп жиҳатдан темир йўлчиларнинг ўзлари ҳам йўл қўймоқдалар.

Юк ортиш қоидалари бузилганлиги сабабли 10 та иситкш агрегати яроқсиз ҳолга келган. Ана шу агрегатларни «Узглавстройснаб-сбит» республика базаси олиб кетмаётганлиги билан ҳақ.

Ана шу агрегатлар билан ёнма-ён қарийб ярим йилдан буён бир томонга қийшайиб совуқ штамповка прессн ҳам турибди. Бу пресс вагондан туширилаётганда эҳтиётсизлик сабабли ерга тушиб кетган, эндиликда эса у қайта қуйишдан бошқа нарсага ярамайди. Пресс ёнида одессалик машинасозлар томонидан туширилган Сифат белгиси турибди.

Биз Шумилов станциясидан кейин

Сергели

темир йўл станцияси томон йўл олдик.

Утган йили шаҳар халқ контроли комитети бу станцияда юклар қай аҳволда сақланаётганлигини текширган эди. Ушанда кўпгина камчиликлар топилган. Камчиликларни бартараф этиш учун Сергели район халқ контроли комитети станцияда махсус штаб ташкил этди. Штаб аҳволи бирмунча яхшилашга муваффақ бўлди. Масалан, ҳозир юк саройида иккита кран ишлаб турибди, мижозлар билан алоқа яхши йўлга қўйилган...

Юк ортиш-тушириш майдонига прожектор ўрнатилганлиги тунги пайтларда ҳам ишни давом эттириш имконини бермоқда. Натижада станцияда юкларнинг турнб қолиш ҳоллари кескин қисқарди, уларни сақлаш яхшиланди.

Шу билан бирга, текширувда ҳали ҳамма ишлар ҳам қилинмаганлиги аниқланди. Айниқса «Узбекистон» бирлашмаси станция раҳбарларини ташвишга солмоқда. Бу корхона учун махсус темир йўл тармоғи ажратилган. Лекин бу жой ҳамма вакт ташиб кетилмаган юклар, юки туширилмаган вагонлар билан банд. Юк туширувчилар қимматли экстракт жойланган полиэтилен қопларни шундай кўлмак сувга туширишаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Юкчилар бригадаси бошлиғи бу хатти-ҳаракатни қуйидагича изоҳлайди:

— Машиналар йўқ. Қачон бўлишини ҳам билмаймиз. Эртагами, ё индингами...

Қимматли экстрактларнинг ишга яроқсиз бўлиб қолиши эса, ҳеч кимни ташвишлантирмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ бойлигига хўжасизларча, эҳтиётсизлик билан қараш станция ходимларида ҳам учраб туради. Масалан, юк туширш майдонида чет элдан келтирилган бутунлай пачақланиб кетган музлатиш қурилмасини кўрдик. Бу қурилма бир неча минг сўм туради. Қимматли ускунани гуширнб олишни ташкил эта билмаган станция ходимларнинг айби билан шунча сумма йўқотилди.

Келтирилган фактлар темир йўл вагонидан то завод цехлари ёки қурилиш майдонларигача бўлган масофада ҳамон турли сабаблар билан катта йўқотишлар бўлаётганлигидан гувоҳлик беради. Ана шу камчиликларга тўла барҳам бериш — темир йўлчилар каби, мижозларнинг ҳам вазифасидир.

В. ЧЕРНОВ,
шаҳар халқ контроли комитетининг инспектори.

Ф. ОВЕЧКИН,
«Тошкент оқшомин мухбири.

СУРАТЛАРДА: Шумилов станциясида синиб, занг босиб ётган станок. Бу эса, Сергели станциясидаги пачақланган музлатиш қурилмасн.

• Активист ён дафтарига

Назорат амалий бўлсин

Беш йилликнинг учинчи йилида халқ назоратчилари активистлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦПСпа ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақанн авж олдириш тўғрисидаги Мактубида белгилаб берилган. Ана шу ҳужжатларда халқ назоратчилари ишидаги бош йўналишлардан бири партия ва ҳукуматимиз томонидан илгари қабул қилинган директиваларнинг аниқ ва тўғри бажарилишини назорат қилиб боришдан иборатлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Республика областлари. шаҳар ва районлар халқ контроли комитетлари раисларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишларида худди ана шу масала диққат-эътиборда бўлди.

Йиғилишда халқ контроли ҳар бир группа ва постининг фаолиятида ўз аксини топадиган аниқ марралар белгилаб берилди. Аввало, назоратчиларнинг диққат-эътиборлари корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бажарилишига қаратилиши керак. Халқ назоратчилари ўзларининг ўткир танқид тиғлари ва мулоҳазаларини ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини қимматбаҳо буюмлар тайёрлаш ҳисобига бажарадиган харидорлар учун ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган арзон буюмлар ишлаб чиқаришни унутган корхоналарга қаратмоқлари керак.

Халқ назоратчилари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш билан ҳам бир мунча диққат бериб шуғулланишлари керак. Ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қисқартирувчи улар сифатини ошириш тўғрисида етарли даражада қайғурмайдиган кишиларга нисбатан танқид тиғини қаратмоқлари керак.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида иқтисодий тежамкорлик учун кураш олиб бориш халқ назоратчилари фаолиятидаги муҳим участкалардан бири ҳисобланади. Талон-тарож қилувчиларга, хўжасизларга ҳамма жойда мустаҳкам гов ўрнатилиши керак.

Бу вазифалар яқинлагина Тошкент шаҳрининг барча районларида бўлиб ўтган партия активи йиғилишларида ҳам муҳокама этилди. Йиғилишларда группа ва постлар номидан сўзга чиққан халқ назоратчилари беш йилликнинг учинчи йили давлат планларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш учун, самарадорлик ва сифатни бундан буён янада ошириш учун бутун куч-ғайратларимизни ишга соламиз, деб ишонч билдирдилар.

ХЎЖАСИЗЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Тўқимачилик комбинатининг халқ назоратчилари корхонада нора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш ва давлатга топшириш устидан текширув ўтказдилар. Рейд натижасида таъминот ҳамда бош механика хизмати бўлимларининг айби билан қисмларга ажратилган ускуналар тўла ҳажмда омборхонага топширилмас экан. Темир-терсан майдонига келиб тушган станоклар деталларга ажратилмас, бунинг натижасида катта миқдорда яроқли агрегат ва узеллар қайта қуйишга жўнатилар экан. Комбинатда рангли металлар алоҳида йиғилмайди. Уларни сортларга ажратиш билан ҳеч ким шуғулланмайди. Қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш ва давлатга топшириш йиллик плани бажарилмади. Ҳудди ана шунинг учун 7 минг сўмдан ортиқ жарима тўланди.

Текширув натижасини биз комбинат халқ контроли комитетининг мажлисида муҳокама этдик. Мажлис қарори билан таъминот бўлими бошлиғи Е. Егоровага, бош механик Г. Ҳошимовга директор ўринбосари А. Икромовга қайфсан эълон қилинди. Ҳозир комбинатда камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар амалга оширилмоқда.

А. ШЕВАРЕНКО,
тўқимачилик комбинатн халқ контроли комитетн раиси.

• *Рассом шарҳи*

НОҚУЛАЙ ВАГОНЛАР



Сергели районининг халқ назоратчилари 2- вагон депосини текшириб, пассажир поездларининг сафарга чиқиш олдидан яхши тайёрланмаганлиги фактларга дуч келдилар. Вагон депосининг раҳбарлари камчиликларга йўл қўйганлари учун қаттиқ огоҳлантирилдилар.

А. Багдасарян расми.

ЧЕТГА КЕТАЁТГАН ХОМ АШЁ



Ҳамза районининг халқ назоратчилари «Узсельхозтехника»нинг тажриба-механика заводида олиб борган текширувларида металлга нисбатан талон-тарожлик қилинаётганлиги тўғрисидаги фактни топдилар. Бу ерда фонддаги металл буюмларни бошқа ташкилотларга бериб юбориш одат тусига кириб қолган. Ўтган йилнинг ўзидагина корхона омборхонасидан 1000 погон метр пўлат қувурлар ва 192 тонна металл қуймалари бериб юборилган.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

З. ТЎРАЕВ: Дўстим Тошкент политехника институтининг биринчи курсида ўқир эди. У иккинчи семестр имтиҳонларини топшира олмай ўқишни ташлаб кетди. Бир йил ишлаб бу ҳақда справка олиб келди. Айтингчи, у институтнинг биринчи курсида ўқишни давом эттира оладими?

Жавоб: Тартибга кўра оғир касалликка учраган ёки оиласида бахтсиз ҳодиса юз берган олий ўқув юртларининг студентларига кейинчалик ўқишни давом эттириш ҳуқуқи сақлаб қолинган ҳолда бир йилгача академик отпуска берилади. Сизнинг дўстингиз институтдан фанларни ўзлаштира олмаганлиги ва имтиҳонларни топшира олмаганлиги учун кетиб қолган. Бундай кишилар олий ўқув юртида ўқиётган студентлар рўйхатидан чиқарилади. Бинобарин, дўстингиз ўқишни давом эттиришга ҳақли эмас, у кириш имтиҳонларини қайта топшириши лозим.

* * *

Қ. САИДОВ: Оиламизда дунёга келган фарзанд ногиронлиги сабабли турмуш ўртоғим ишдан бўшаб уни боқиб ўтиради. Шундай болаларга моддий ёрдам бериш тўғрисида қарор борми?

Жавоб: Ҳа, бор! КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ёшлигидан инвалидлиги тасдиқланган болаларга ойлик нафақа белгилаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўл-йўриғига мувофиқ. СССР Министрлар Совети меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича Давлат комитети томонидан 1967 йил 13 ноябрда тасдиқланган «Совет халқи фаровонлигини янада ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорга биноан: ёшлигидан I ва II группа инвалид бўлган, 16 ёшга етган ўғил-қизларга ойлик нафақа халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетлари қошидаги пенсия белгилаш комиссияси томонидан белгиланади.

* * *

З. РУСТАМОВ: номига ордер ёзилган киши фарзандларининг кўпайиши ва уй санитария нормаси жиҳатидан тор бўлиб қолган тақдирда ўз ишхонасидан навбатга туриши ва кенгроқ квартира олишга ҳақлимя? Ёки шу онлада вояга етиб, ҳозир меҳнат қилаётган фарзанд ўз ишхонасидан квартира олиб чиқиб кетиши керакми?

Жавоб: Халқ депутатлари Совети Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети турар жой бошқармасидан бу хусусда қуйидагича жавоб беришди. Янги квартира олаётган кишининг ҳар бир оила аъзосига тўққиз квадрат метр ҳисобидан турар-жой майдони берилади. Кейинчалик оиладаги фарзандлар кўпайиб, олинган турар жой майдони ҳар бир кишига олти квадрат метр бўлиб қолганда ҳам санитария нормасига мос ҳисобланади. Борди-ю турар жой майдони шундан ҳам камайиб кетса, унда квартира эгаси ёки унинг ишлаётган бирор фарзанди янги квартира олиш ҳақида ариза бериб, навбатга туриши мумкин.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Бахтиёр Зияев ГАЗ—24 маркали 01—48 ТНЗ номерли автомобилни София проспекти бўйлаб бошқариб борар эди. У Кочубей кўчаси кесишадиган чорраҳага борганда светофорнинг яшил чироғи ёнганлигини кўриб тезликни камайтирмай ўтиб кетмоқчи бўлди. Бу пайтда у чорраҳада транспорт ҳаракати тугашини кутмади, яъни ПАЗ—672 маркали 11—07 ТНЗ автобусини ўтказиб юбормай, у билан тўқнашди. Зиелевни бурун суяги синган ҳолда 17-шаҳар касалхонасига келтирилди.

ОИЛА даврасида суҳбатлар



• *Янгича анъаналар—ҳаётимиз кўрки*

УМР МАЗМУНИ

Инсоннинг умри неча йил яшагани билан эмас, неча йил мазмунли ҳаёт кечиргани билан ўлчанади. Ҳаёт мазмуни эса эзгулик, яратувчанлик, инсонларга сидқидилдан хизмат қилиш демакдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизда янгича анъаналар таркиб топаётгани, бу анъаналар бугуни кун ҳаётимизга мос тушаётгани бежиз эмас. Кексаларнинг оғлини ва қизини тўйларини нишонлаш, ёшларга паспорт топшириш маросимлари, йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш, олий ўқув юртини битириб, меҳнат қучоғига йўл олаётганларни қутлаш, биринчи маошни нишонлаш — буларнинг барчаси моҳият-эътибори билан фаровон ҳаётимизга мос келадиган, турмушимизга сингиб бораётган анъаналардир. Буларнинг ҳеч бири меҳнаткашлар назаридан четда қолмайди. Улар таркиб топаётган янгиликка ҳам, айрим эскилик қолдиқларига ҳам ўз муносабатларини билдирадилар.

Редакцияга мактуб йўллаган кўплаб газетхонлар эзгулик ҳақида, ҳаёт мазмуни ҳақида фикр юритишади. Айни пайтда улар кундалик турмушимизга ёт бўлган айрим урф-одатларни кескин қораламоқдалар. Жумладан, баъзи тўйларда рўй бераётган ортиқча ҳаражатлар, ном чиқариш учун қилинаётган дабдабалар одамларнинг ғашини келтираётгани кўриниб турибди. Шаҳримиздаги маҳалла комитети раислари дан бири А. Саминов ўз мактубида шундай деб баён қилади: «Яқинда бир дўстим синглисини узатди. Бу оила маданиятли, ўзига тўқ. келинкўёв бир-бирини севиб турмуш қуришди. Афсуски, ҳали тўй бўлмасиданоқ, қуда томонлар ўртасига совуқчилик тушди. Буни қарангки, келининг отаси қуда томонни ўзига муносиб топмабди. Агар бу киши ҳаёт тажрибасидан бехабар, нодон одам бўлса, унчалик ранжимасдик. Ҳолбуки, ҳали айтганимдек, бу оила маданиятли, ўқимишли одамлар. Охири йигит билан қизнинг муҳаббати устун чиқди. Шунга қарамай, келининг отаси «қилиқ» чиқарди. Ҳали тўй бўлмасиданоқ. тўёна келинадиган қўйнинг нархи 500 сўмдан кам бўлмасин, сарполар 20 хил бўлсин, деганга ўхшаш майда-чуйда гапларни ўртага солди. Куёв томон ҳаммасига кўнди. Шовла кетса-кетсин, обрў кетмасин, қабилида қуданинг айтганларини қилди. Биз бу тўйда қатнашдик. Буни қарангки, ҳар қанча сарполар ҳам. пул ҳам одамга яхши кайфият бағишлай олмас экан. Тўй тўйдан кўра азага кўпроқ ўхшаб кетади. Ҳамма жим. одамлар бетоб одамдек — бир-бирига ўхмайиб қараб қўяди. Шу ҳам тўй бўлдими? Шу тўйдан кейин келин билан куёв бахтиёр бўлармикин?

Маҳалламиздаги бошқа бир тўй оддийгина ўтди. Куёв йигит актёр эди. У севган қизига уйланди. Тўй куёвнинг уйида ўтказилди. Бунақа хушчақчақ тўй яқин орада бўлган эмас. Келин билан куёвнинг дўстлари ҳам, қудалар ҳам бир-бирларига сарполар, ҳадялар совға қилишмади. Ёшлар келин билан куёвга Европа бўйлаб саёҳат учун бир жуфт путёвка совға қилишди. Тўйни тасаввур қилинг. Турмушда ҳар хил воқеалар бўлади. Паст-баланд гаплар бўлиши мумкин. лекин келин билан куёв тўйлари ўтиши билан бир йўла бир неча мамлакатга сафар қилишганини бир умр эслаб юришади. Бу хотирани ҳамиша ёдга туширганда, кувониб кетишади. Битта дастурхоннинг ўзига минглаб сўм сарфлаб, одамларни маст қилган яхшими, ёки 400, 500 сўмга путёвка олиб, дунёни кўриб келган яхшими? Инсоф билан айтганда, ҳозир биз тўйларимизга сарфлаётган пулнинг ўндан бирини ҳаражат қилсак. келин билан куёв истаган жойига бориб дам олиши, ҳаётининг энг ширин дамларини бир умр эсда сақланадиган хотиралар билан бойитиши мумкин».

Бундай фикр илғор кишиларни қўпдан буён ўйлантириб келмоқда. Ишчими, студентми, олим ёки шоирми барча кишилар бугунги кунда тўйларда ғашга тегадиган қандайдир бемаъни «янгиликлар» пайдо бўлаётганини айтмоқдалар. Бунинг сабабини излаб. шунга қарши қураш чораларини ташкил қилмоқдалар. Газетхонимиз М. Дадамуҳамедов бу ҳақда куйиниб ёзади: «Халқимизнинг ғалати бир одати бор,— дейди у,— нима учундир биз андиша деган сўзга ёпишиб олганмиз. Тўйга фалончини айтиб пистончини айтмасак, уят бўлади, деб андиша қиламиз. Қанча ноз-неъматлар исроф бўлиб кетаётганининг ўзи андишасизлик эканини ўйлаб ўтирмаймиз. Келин томонга 20 талаб сарпо қилиш андишанинг белгиси деймизу, бу нарсалар келинга барибир керак эмаслигини ўйлаб ўтирмаймиз. Шу тариқа биз чайқов бозорини авж олдираётганимиз ҳам хаёлимизга келмайди.

Менинг бир дўстим бор. Илгариги оиласи билан турмуши бузилган эди. Орадан йиллар ўтди. У уй қурди. Бунга ҳам қанча маблағ кетди. Ниҳоят, ўзига муносиб аёлни топиб. уйланди. Лекин қуда томонлар ҳам бундай ишларга бепарволик билан қараб турадилар».

«Главташкентстрой»нинг қурувчиси Б. Носиров бу борада айниқса қурашчан бўлишга чақиради. Наҳотки. соф муҳаббат, инсон қадр-қиммати ялтироқ нарсалардан паст бўлса?! Ахир биз XX асрнинг ёшларимиз-ку! Аллақандай бемаъни отарчи ўртага чиқиб олиб, суюқ ашуланн айтишига, келин билан куёв ҳаля тўй бўлмасиданоқ совуқчилик тушишига нима учун бефарқ қарашимиз керак? Баъзан энг оддий нарсаларни ҳам ўзимиз чигаллаштириб юборамиз. Мисол учун тўйга суюқ отарчини айтиб, неча юз сўмлаб пул беришнинг нима кераги бор? Ҳар бир маҳаллада, ҳар бир маданият саройи ёки клубда ҳаваскорлар топилади. Нима учун биз улардан фойдаланмаймиз. Бундай ишларни тартибга солишда, маҳалла комитетлари, ўша комитетларда ташкил қилинган тўй комитетлари катта роль ўйнаши керак. Улар масалани жиддий қўйишсагина, бу борада ютуқларни қўлга киритиш мумкин бўлади».

Педагог С. Султонов эса тўйларимизда пайдо бўлаётган кераксиз нарсаларни қоралайди. «Ота-боболаримиз ҳар бир ишни бошлашдан олдин охири бахайр бўлсин, деб тилак билдиришарди. Айниқса, янги турмуш қураётган ёшларга никоҳдан кейин «қўша қаринглар, ували-жували бўлинглар, умрларингдан, бола-чақаларингдан барака топинглар» деб тилак билдиришарди. Ҳозир нима бўляпти. Бир тўда ёшлар ЗАГСдан чиқишлари билан ўзларини ресторанга уришади. Ҳаётнинг биринчи қадами эзгу тилакдан эмас, қадаҳ ушлашдан бошланади. Умрида ичкилик ичмаган ёш қизлар, келининг дугоналари ресторанинг тўрида шафтолидек қизариб ўтиришгани ҳар гал кўрганимда тўғриси, ғашим келади. Ундан кўра ичкиликсиз тилак тиласа асакаси кетадими?

Яқинда бир тўйга боришга тўғри келди. Бир кунда шунчалик исрофгарчиликни кўрдимки, ҳайратдан ёқа ушладим. Кечқурун соат тўртларда куёвникига бордик. Ясатилган стол атрофида ўтирдик. Шунча нарса етмаганидек, бир соатлардан кейин шўрва тортилди, кейин шовқин-сурон билан келинникига йўл олдик. Куёв жўралар шунчалик шовқин солишардики, билмаган одам ҳайвонот боғининг эшиги очилиб кетибди, деб ўйлаши мумкин эди. Тўғри, тўй завқли нарса. Лекин завқ дегани ёқавайрон бўлиб, оғзидан кўпик сачратиб бақириш дегани эмаску.

Шундай қилиб, келинникига етиб келдик. Дастурхон шу даражада безатилганки, пиёла қўйишга жой йўқ эди. Шўрва, манти. ош тортилди. Кечқурун соат тўққизларга яқин куёвникида ўтириш бошланди. Бу ерда яна исрофгарчилик. Яна шўрва, яна манти, кабоб... Кун бўйи тўхтовсиз кетмон чопган ёки кўмир қазиган одам ҳам шунча овқат еса ёрилиб кетарди. Шунча овқатнинг, шунча исрофгарчиликнинг нима кераги бор, дейдиган мард йўқ. Шундай қилиб, таомилдаги гап эмиш. Ўртага чиқиб олиб, микрофонни чайнагудек бўлиб, чийиллаган отарчиларни қўявераснз. Нима, бу, тўйми, майнавозчиликми? Шаҳримиздаги баъзи тушунган оилалар тўйни бир жойда қилиб. жуда тўғри қилишяпти. Шунда исрофгарчилик ҳам камаяди, ҳамма нарса тартибли бўлади. Албатта, тўй қилиш халқимизнинг қадимий одати. Мен сурнай садосини, карнайни яхши кўраман. Бу ҳам бизнинг миллий музика асбобларимиз. Буларни ҳеч ким қораламайди. Лекин, тўйда керагидан ортиқ шовқин-сурон солиш, ҳаёсиз ашулалар айтиш инсофдан эмас. Бунга қарши қурашиш керак».

Бу ҳақда редакцияга ўз фикрларини ёзган А. Ғозиев, Б. Маманазаров, А. Фахритдинов, Р. Худойберганова сингари қатор газетхонлар совет турмуш тарзига мос келадиган тўйлар қилишни, ёшларимизнинг бахт-соадатини нишонлайдиган тантаналар ўтказишни таклиф қиладилар. Бу мактубларни ўқиганда киши яна бир нарсага қувонади. Қайси касб эгаси бўлмасин, бинокорми ёки нишчими, метро ҳайдовчими ёки автобус шоферими, барчаси ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларга актив аралашмоқда. Турмушимизни яна фаровон қилиш учун, ҳаётимизни янада сермазмун этиш учун ўз улушини қўшишга интилмоқда. Бу эса ҳаёт мазмунини чуқур тушунадиган замондошларимиз сон-саноқсиз эканлигидан дарак беради. Биз шу билан фахрланамиз.

Т. РАСУЛЕВ,
Ў. ҲАЙДАРОВ.



• *Табаррук қариялар*

ОНА ВА БОЛА

Қари бор уйнинг —зари бор, дейишади. Бу гапда жон бор. Айниқса, кексайиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган табаррук қариялар уйимизнинг файзи, дилимизнинг кувончидир. Ёш-яланглларга панд-насиҳат берадиган, гўдакларга меҳрибонлик кўрсатадиган, хонадонимизни ҳеч қачон ҳувиллатмайдиган қариялар бебаҳо бахтимиз, ғурур ва ифтихоримиздирлар. Акмал Икромов районининг Раҳим Бобоев кўчаси 285. уйида ана шундай табаррук кексалар истиқомат қилишади. Лоҳила буви (суратда ўнгда) 110 ёшга кирдилар, қизлари Комила буви (суратда чапда) 80 ёшга тўлдилар. Бу қариялар катта хонадоннинг энг севимли, энг эъзозли аъзолари бўлиб ўтиришибди.

Лоҳила буви бир юз ўн ёшдан ошган бўлсалар ҳам руҳлари тетик, хотиралари яхши:

— Мен колхоз тузилиши йилларида актив қатнашганман, — деб ҳикоя қиладилар Лоҳила буви. — Колхозда ишлаб, меҳнат гаштини суриб Шўролар замонида бахтимни топдим. Ҳозир пенсия оламан, икки қизим, юзлаб невара-чевараларим бор.

Лоҳила бувининг қизлари Комила буви сакксон ёшга тўлдилар. Уларнинг 31 невaралари, 59 аваралари ва 10 чевaралари бор.

Лоҳила буви невараларига газета ўқиттириб, олам янгиликларидан хабардор бўлиб турадилар.

Ҳар икки табаррук онахон ҳаёт лаззатини суришиб, пири-бадавлат бўлиб яшашмоқда.

Т. АШРАПОВ,
Суратда: Лоҳила буви ва Комила бувилар бир пиёла чой устида.

Ҳ. Сунматуллаев фотоси.

ЕШ ОНАЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Кийимларни сақлаш ҳақида

Яқинда сиз фарзанд кўрасиз. Тўнғич фарзанд. Уни оппоқ йўргакларга, озода, чиройли кийимларга ўраш орзусидасиз. Фарзандингизнинг кийимларида бирорта ҳам доғ бўлишини истамайсиз, албатта. Бунинг учун нима қилиш керак? Чақалоқнинг кўйлакчаларини бир кунда бир маҳал чўмилтиргаНингиздан кейин, йўргакларини эса кунига 5—6 мартадан алмаштирилади ва шу заҳотиёқ ювилади. Йўргакларни аввал совуқ сувда чайиб, кейин совунлаб, илиқ сувда ярим соатча ивитиб қўйиш лозим. Сўнг икки марта иссиқ сувда яхшилаб ювилса ва қайнаб турган сувда чайиб олинса кўйлакча ва йўргаклар тоза ювилади ҳамда бир йўла дезинфекцияланади.

Агар йўргакларни тез ювиб олишга вақтингиз бўлмаса, унда яхшилаб чайинг-да, совунлаб совуқ сувга ботириб қўйинг. Шунда йўргак доғ бўлиб қолмайди.

Боланинг кийимларини ҳамма вақт алоҳида қутига, чойшабга ўраб қўйинг, зинҳор катталарнинг кийимига аралаштирманг. Ювилган кўйлакча ва йўргакларни тахлашдан олдин албатта иссиқ дазмол билан дазмоллашни унутманг.

• *Оқшом насибаси*

МАЗАЛИ ВА ТЎЙИМЛИ

Бу гал биз уй бекаларига пирожки ва ватрушка тайёрлаш ҳақида маслаҳат бермоқчимиз.

Пирожки тайёрлаш учун ярим килограмм унга бир стакан қаймоқ, 2 дона тухум, 1 ош қошиқда шакар, 2 ош қошиқда ёғ. бир чимдим туз солиб. хамир тайёрлайсиз. Сўнг уни юмалоқлаб. тақсимчага қўйинг-да. устини тоза сочиқ билан ёпиб. 30—40 минут салқин жойда тиндиринг.

Шундан кейин хамирни ярим сантиметр қалинликда ёйиб. стакан билан ёки махсус хамир кесувчи асбоб билан доира шаклида қирқиб олинг. Сўнг тайёрланган қиймангизни солиб истаган шаклингизда пирожки тугишингиз мумкин.

Пирожкиларни духовка патнусига орасини 1.5—2 сантиметр очиқликда териб. устига тухум суриб. иссиқ духовкага қўйинг. 10—15 минутда пирожки тайёр бўлади.

Уйда ватрушка тайёрлаш ҳам қийин эмас. Унга сариёғ, шакар, тухум солиб қорасиз. Ярим сантиметр қалинликда қилиб ёясиз. Чой стакани оғзи билан қирқиб чиқилган хамирларнинг ярмини яна кичикроқ стакан оғзи ёки рюмка билан қирқиб, ўртаси тешилади-да. бутун бўлак устига қўйиб чиқилади. Хамирлар яхшироқ ёпишсин учун таг томонига озроқ сув суртилади. Ҳосил бўлган чуқурчага сузма солинади.

Сузма шакар. тухумнинг оқи. озроқ ун солиб яхшилаб қорилади. Тухумнинг сариғи ватрушканинг устига суртиб чиқилади-да. духовкада пиширилади.

Ярим килограмм унга 300 грамм сариёғ. 250 грамм шакар. 3 та тухум ишлатилади. 200 грамм сузмага 100 грамм шакар. 2 та тухум, бир капча ун етарли.

БИР АСР ЧЕГАРА ЭМАС

Шаҳрисабз районидаги Қақиртоғ қишлоғида яшовчи Худойберди бобо Тоғаев бир юз беш ёшга тўлганлигини нишонлади. СССР граждани паспорти топширилганлиги шу куни унинг учун энг азиз туҳфалардан бири бўлди.

Худойберди бобо ўз умри давомида кўп воқеаларни бошидан кечирди. Унинг болалиги ва ёшлиги машаққатли ўтди: у бойларникида батраклик қилди. Камбағалликни туфайли ҳатто ёшлигида уйлана олмади, келин учун қалин тўплашга атиги 42 ёшидагина муяссар бўлди. Шу боисдан бу мўйсафиднинг болалари ҳам нисбатан ёш: катта ўғли Саттор 62 ёшда, кичик қизи эса қирқ ёшга яқинлашиб қолди.

Ҳозир Худойберди бобонинг бир юз беш набираси ва эвараси бор. Унинг авлоди Совет Ўзбекистони даврида ўсиб етишди. Уларнинг ҳаёти бахтли бўлди. Уларнинг ҳаммаси маълумотли бўлишди, кўплари жонажон «Гулистон» колхозида меҳнат қилишяпти. Оилада пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар, шоферлар бор. Набираларнинг кўпчилиги олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқиб, агроном, врач, ўқитувчи, мелиоратор бўлиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Энг кичкинтойлар мактабга, болалар богчаларига қатнамоқда. Тоғаевларнинг катта оиласи фаровон ҳаёт кечирмоқда.

«Гулистон» колхози аъзолари орасида Худойберди Тоғаевдан ҳам кекса киши бор. Бу қария қўшни Чуқурқишлоқ қишлоғида яшовчи 107 ёшли Жўрақул бободир. Шаҳрисабз районида ҳаммаси бўлиб йигирмага яқин киши юз ёшлик маррадан ўзиб кетди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни давом эттирмоқда.

[ЎзТАГ].

Жаҳон оинаси

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЁШ ЎРМОНЛАРИ

БУДАПЕШТ. Венгрияда анъанавий ўрмон ойлиги бошланди. Бу ойлик ватан халқ фронти ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб турилади. Унда, илгаригидек саноат корхоналарининг ишчилари. кооперативлар ва давлат хўжаликларининг аъзолари. студентлар ва мактаб ўқувчилари иштирок этмоқда. Уларнинг қўли билан ўн минглаб туп кўчатлар ўтқазилади.

Республиканинг ўрмон майдонлари доимо кўпайиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 9500 гектар территорияда ёш ўрмонлар барпо этилди. Бу эса планда белгиланганидан қарийб минг гектар кўпдир.



Болгария Халқ Республикаси. Халқаро хотинқизлар куни 8 Март арафасида Болгар заминида етиштирилган 10 минглаб дона атиргуллар, лолалар, чинни гуллар самолётларда кўплаб мамлакатларга юборилди.

СУРАТДА: Старо.Загора шаҳридаги гулхонада. БТА—ТАСС фотоси.

Қисқа ҳабарлар

БУХАРЕСТ. Руминия «Таром» авиакомпаниясининг халқаро ҳаво йўллари узунлиги ҳозир 100 минг километрдан ошиб кетди. Ҳозир ана шу авиакомпания самолётларини жаҳондаги турли мамлакатларнинг 185 аэропортида кўриш мумкин.

Совет Иттифоқининг НЛ-62. ТУ-154. ИЛ-18 ва АН-24 самолётлари Руминия авиаторларига ғоят манзур бўлмоқда. Республика саноати айни маҳалда бир қанча граждан самолётлари ва вертолётларини ўз мамлакатида ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда.

БРЮССЕЛЬ. Бельгияда меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган кураши кенгайиб бормоқда. Госли шаҳридаги «Дошо» механика заводининг ишчи ва хизматчилари иш билан таъминланиш ва меҳнат ҳуқуқи учун кураш шиори остида намойиш ўтказдилар. Улар Шарлеруа шаҳрининг савдо суди қарорига қарши норозилик билдирдилар. Бу суд «Дошо» заводини инқирозга учраган корхона деб эълон қилди. Намойишчилар «иш-сизлик тугатилсин», «иш билан банд бўлишнинг гарантияланишини талаб қиламиз» деган сўзлар ёзилган транспарантларни кўтариб шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР АНЖУМАНИ

ЖАЗОИР. Бу ерда хотин-қизлар умумарб федерацияси доимий бюросининг навбатдан ташқари ўтказилган мажлиси тугади. Мажлисда Жазоир, Ливия. Сурия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Иордания ва бошқа араб мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотларининг, шунингдек Фаластин Озодлик ташкилотининг раҳбарлари иштирок этдилар. Делегатлар сиёсий декларацияни маъқулладилар. Бу декларацияда ана шу ташкилотларнинг империализм ва сионизм найрангларига қарши олиб борадиган кураши программаси белгилаб берилган.

АҚШНИНГ РАСМИЙ ПОЗИЦИЯСИМИ?

ВАШИНГТОН. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, АҚШ мудофаа министрлигининг юқори мартабали вакили башарти Эрон ёки Миср сингари Сомалини ёқлаб чиқаётган мамлакатлар Сомалига мадад бериш учун қўшинлар ва ҳарбий қурол-аслаҳа юборишга тайёр эканлар, у вақтда Пентагон чет эллардаги урушларда Америка ишлаб чиқараётган қуроллардан фойдаланишни тақиқлашдан вақтинча бош тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқажагини журналистларга айтган.

Шундай қилиб, АҚШ ҳукумати расмий намояндаларининг агрессорни ёқлаб бевосита қуроллн аралашишга очиқдан-очиқ гиж-тижлаши ҳақида гап боради. Бунда шундай қонуний савол туғилади: мудофаа министрлиги вакилининг бу баёноти АҚШнинг тутган расмий позицияси эмасмикин?

БИЛМАГАННИ СЎРАБ ЎРГАНГАН ОЛИМ

Ул қора кўз кўзларига...

Ҳурматли редакция! Қадим замонлардан аёллар кўзларига сурма суриб келишган. Сурма қандай элемент, у асосан нималарга ишлатилади, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Фарида ҒУЛОМОВА,
уй бекаси.

Сурманинг хоссалари ва тарихи қизиқарлидир. У қадим-қадимлардан буён кенг кўламда кўлланилиб келади. Бу элемент фақатгина пардоз-андоздагина эмас. инсоният маданиятида ҳам ўз ўрнини топган. Тарихчиларнинг маълумотига қараганда бундан беш минг йиллар илгари қадим Шарқда биринчи бўлиб сурма ишлаб чиқилган. Россияда революциягача қадар бироита ҳам сурма эритилган завод бўлмаган. У аввало полиграфия ва ранг саноати учун энг зарур эди. XX аср бошларида Россия ҳар йили минг тоннага яқин сурмани чет давлатлардан сотиб олар эди. 1930 йил бошларида Ўзбекистонда Шчербаков бошчилигидаги геологлар Фарғона водийсининг Қирғизистон территориясида биринчи бўлиб сурма хом ашёсини излаб топдилар. 1934 йилга келиб. ўша ердаги Қадамжой сурма конидан сурманинг олтингугурт билан ҳосил қилган минерали қазиб олина бошланди. Бир йил ўтгач. унинг сараланган минераллардан биринчи бўлиб советлар сурмаси эритила бошланди. 1936 йилга келиб уни шу қадар кўп қазиб олина бошландики. Совет ҳукуматига четдан келтирилган сурмага эҳтиёж қолмади. 1956 йилларга келиб Брюсселдаги Бутунжаҳон кўргазмасида советлар сурмаси энг олий навли деб топилди ва бошқа сурмалар учун эталон деб қабул қилинди.

Ўрта асрларда Европа мамлакатларида «сурма қотишмасини» («королёк») эритиб олишга муваффақ бўлганлар. Шу даврнинг буюк металлургларидан ҳисобланган Агрикола (1494—1555 й.). бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Агар эритиш даврида сурмага маълум миқдор қалайи қўшилса. ундан типографик қотишма ҳосил бўлади ва ундан шрифт ясаш мумкин бўладн». Шундай қилиб. сурманинг ҳозирги кунда қўлланилаётган соҳаларидан бири кўп асрлик тарихга эга экан.

Сурманинг русча номи «сурьма» аслида «суриш» ёки «қош қорайтириш» сўзидан келиб чиққан. XIX асрга қадар Россияда «насуръмить брови» деган ибора кенг тарқалган эди. Лекин қошни қорайтириш сурма бирикмаларига тааллуқли бўлмаса ҳам. фақатгина онда-сонда файдаланилар эди.

Сурма — нисбатан ноёб элемент. У ер қобигида кўп эмас. Шунга қарамай. унинг табиатда 100 дан ортиқ бирикмалари — минераллари мавжуд. Улар ичида сурма алтироғи энг кўп саноат аҳамиятига эгадир.

Сурма метали ситувчан бўлгани учун у соф ҳолатда кам қўлланилади. Лекин уни қалайи, қўрғошин металлига қўшилса. уларнинг қаттиқлиги ошиб боради. Шу боисдан унинг қотишмалари 200 дан ошади. Энг мустаҳкам подшипник металлари сурманинг қалайи, қўрғошин ва мис қотишмасидан ташкил топган. Улар таркибига гоҳо руҳ ва висмут ҳам қўшилади. Ундан яна станоклар ясашда, темирйўлда, автотранспортда кенг қўлланилади г а н — баббитлар таркибига ҳам 4 дан 15 процентгача сурма қўшилади. Яна у каучукни ямашда, иссиққа чидамли металлар олишда. «сурьмин» рангини тайёрлашда ишлатилса, сурманинг алюминий, индий, галлий билан бўлган қотишмаси ярим ўтказгич ҳоссасига эга.

Ўрта аср китобларида сурмани оғзи очилган бўри — кимёвий йиртқич сифатида тасвирланган. Чунки у қарийб кўпчилик металларни («еб қўяди») эритади.

XV—XVI асрларда сурма препарати тиббиётда дори сифатида ишлатилган. Ундан балғамни қўзғатиш ёки қайт қилдириш учун фойдаланилган. Бунинг учун беморга сурма идишида сақланган вино ичирганлар. Сурма ҳозирда ҳам инфекцион касалликларни даволашда, пардоз-андоз — парфюмерия саноатида ҳам кенг қўлланади.

Сурма бирикмаларидан ташкил топган ранглар керамикада, ошхона идиш-товоқларини бўяшда эмаллар ясашда. сут рангли шишалар чиқазишда, рассомчиликда (мойли ранг) кенг тадбиқ этилади.

Хуллас. сурма энг қадимий ва ҳозирги кунда ҳам инсонлар учун энг керакли кимёвий элементдир...

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

3 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
9 МАРТ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

БЕШ ИМКОНИЯТДАН ТЎРТ ОЧКО

Волейбол бўйича олий лига аёллар командалари мамлакат чемпионати иккинчи давра биринчи тур ўйинларини ниҳоясига етказишди. Мусобақалар Ленинград ва Ворошиловград шаҳарларида бўлди. «Автомобилист» командасининг қизлари дастлабки куни «Искра» командасининг спортчилари билан майдонга чиқишди. Ҳамшаҳарларимизнинг ўйини қовушмади. Улар қаторасига уч партияни бой беришди.

Волейбол

Спортчилар ҳар қандай жисмоний ва руҳий қийинчиликни енгиш қобилиятига эга бўлгандагина маҳорат чўққиси томон одим ташлашлари мумкин. Москва области педагогика институти спортчилари билан бўлган беллашувда ҳамшаҳарларимиз буни яққол исбот қилишди. Улар тўртинчи партияни 1:11 ҳисобида ютқазишаётган эди. Шунда майдонга Парана, Колдобенко, Дубягар тушишди. Ўзаро ҳамкорлик, шиддатли ҳужум билан улар рақибларини доғда қолдиришди.

Мусобақалар хроникаси

Волейбол бўйича биринчи лига эркаклар командалари учинчи тур ўйинларини ниҳоясига етказишди. Тошкентдаги округ офицерлар уйи спорт залида ўтказилган учрашувларда Олмаотанинг «Дорожник», Душанбанинг «Ҳосилот», Ереванинг «Армсельхозтехника», Шевченконинг «Каспий», Грозийнинг «Автомобилист», Тбилисининг «Спартак» ва Тошкентнинг «Динамо» командалари қатнашишди.

Олий лигага йўлланма олиш учун курашаётган олмаоталик ва тошкентлик волейболчилар дастлабки тўрт беллашувда ғалаба қозонишди. Ўнинчи ўринга 199 ва 130-мактаб вакиллари кўтарилишди. 7-мактаб-интернатнинг 7 «а»-синф ўқувчиси Фарид Веденеев, 2-мактаб-интернатнинг биринчи синф ўқувчиси Абдуазиз Тўлаганов, 199-мактабнинг 8 «а»-синф ўқувчиси Иззат Аҳмедовлар барча учрашувларни ғалаба билан тугаллаб, ўз командаларига энг кўп очко келтиришди.

* * *

Шаҳримиздаги ёрдамчи мактаблар ўртасида шашка бўйича команда биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Бахсларда ўн учта команда иштирок этди. Биринчи ўринни 7-мактаб-интернатнинг ёш спортчилари қўлга киритишди. Иккинчи ўринни 2-мактаб-интернат вакиллари эгаллашди. Учинчи ўринга 199 ва 130-мактаб вакиллари кўтарилишди. 7-мактаб-интернатнинг 7 «а»-синф ўқувчиси Фарид Веденеев, 2-мактаб-интернатнинг биринчи синф ўқувчиси Абдуазиз Тўлаганов, 199-мактабнинг 8 «а»-синф ўқувчиси Иззат Аҳмедовлар барча учрашувларни ғалаба билан тугаллаб, ўз командаларига энг кўп очко келтиришди.

Ешлар ўртасида оғир атлетика бўйича ўтказилган Тошкент шаҳри шахсий-команда биринчилиги ниҳоясига етди. Беллашувларда «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари энг кўп очко тўплаб, команда ҳисобида ғолиб чиқишди.



Республика ўсмирлар спорт маҳоратини мактабининг теннис кортлари ҳамиша гавжум бўлади. Бу ерда ёш теннисчилар амалий кўникма ҳосил қилишади. Мактабда тарбияланган жуда кўп ёшлар ҳозир Бутуниттифоқ мусобақаларида республикамиз шарафини дадил ҳимоя қилишяпти. Ёшларни маҳоратларини оширишга тренер Анвар Газеев катта ҳисса қўшяпти.

СУРАТДА: тренер А. Газеев ёш теннисчилар билан навбатдаги машғулот пайтида.

Р. Альбенов фотоси.

• *Маслаҳатларимиз*

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Пахта ва зиғир ёғлари ҳидланиб ёки ранги хираланиб қолган бўлса, бир литрига бир чой қошиқ миқдорида ош тузи солинг-да шу кўйи уч кун сақланг. Қуйқуми тагига чўкиб, ҳиди кўтарилган ёғни бошқа идишга ағдариб олиб, рўзғорга ишлатишингиз мумкин.

● Агар кастрюль тагига чинни ликопча тўнтарибқўйсангиз овқат тагига олмайди.

● Ҳамир қорадиган сувга бир чимдим ичимлик сода аралаштириб юборсангиз яхши ошади.

● Кийимдаги бўёқ ёки лак доғларини бензин билан скипидар қўшилган аралашмада артсангиз осон тозаланади.

● Кийимга теккан қизил ёки сариқ доғларни лимон кислотаси ёки оксалат кислотаси билан осон кетказса бўлади.

● Эмаль қопланган идишлардаги занг доғини хўлланган дока билан артсангиз осон кетади.

● Оқ пойафзалларни кепакда яхшилаб тозаласа бўлади.

• *Ажойиботлар оламида*

ҚАДИМИЙ ОТЛАР

Искандар Зулқарнайн минган вафодор отнинг исми кўп кишиларга маълум. Лекин буцефал-ахалтекин аргумоғи, ҳозирги туркман отларининг қадимий аждоди бўлганлигини камдан-кам киши билади.

Ахалтекин отларининг ватани Туркманистон ССРда Қоракум билан Копетдоғ тизма тоғлари ўртасидаги воҳадир. Бу ерда бундан уч минг йил муқаддам узоқ саралаш натижасида бўлғуси аргумоқ камол топган. Македонялик шоҳ Филипп отхонасига уюмларнинг биридан ҳўкизнинг бошига ўхшаш тамға босилган айғирни ҳайдаб келишганлиги тўғрисидаги афсона сақланиб қолган. Шундай қилиб, буцефал (грекча-ҳўкиз бош) бўлғуси буюк саркарда— шаҳзода Искандарнинг қўлига тушиб қолади.

Ҳозирги ахалтекин отларига ажодларининг ажойиб сифатлари орадан юзлаб авлодлар ўтгач, етиб келади. Ахалтекин отлари гоят чопқир ва чиройли ҳаракат қилади. Уларнинг ҳаддан ташқари чидамлилигини кўрсатадиган кўпгина мисоллар бор: аргумоқлар сувсиз саҳрода бир кеча-кундузда 100 —120 километр масофани босиб ўтишга қодирдир.

95 ЯШАР МОТОЦИКЛЧИ

Якутиядаги Илбэнгэ қишлоғининг аҳолиси колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ветерани А. Григорьевнинг туғилган кунига 95 йил тўлишини нишонлаб ўтдилар. Шимолий республика қадимдан умри боқий кишилар билан машҳурдир, лекин уларнинг орасида Афанасий Дмитриевич ёшларга хос бўлган нарса билан қизиқиши туфайли машҳурдир. У эҳтиросли мотоциклчи.

— Мотоциклга биринчи марта минганимда, — деб ҳикоя қилади Григорьев, ёшим 80 да эди. Мотоциклда юришни тез ўргандим. 90 ёшга тўлишим муносабати билан ўзимнинг мотоциклимда барча қариндош-уруғларимникига борибкелдим. Бу сафар чоғида қарийб 2 минг километр масофани босиб ўтдим.

(ТАСС).

• *Текинхўрга шафқат йўқ!*

Жиноят ва жазо

Ўтган йили бир воқеа бўлди. Бунёдкор кўча, биринчи проездидаги биринчи уйда яшовчи Ғ. Ҳолматов зарур ҳужжатларини унутиб қолдирганлиги учун уйига қайтди. Дарвозадан кириб ҳайрон бўлиб қолди. Уйнинг дераза-ойнаси синганлиги, ичкарида кимдир юрганлигини пайқади. Ўғри тушибди, деган фикр келди дарҳол хаёлига. Нима қилиш керак? Эҳтимол қуроли ҳам бордир? Бироқ у ўзини йўқотмади. Деразанинг ёнига ўтириб ҳушёрлик билан кута бошлади. Кўп ўтмасдан синган ойнадан бир тугун кўринди. Кейин ўрта бўйли ўсмир лип этиб ерга тушди. Шу пайт Ғ. Ҳолматов шартта унга ташланди ва қўлини қайириб, ерга ётқизди.

— Қоч, — деди жон ҳолатда қўлларини Ғ. Ҳолматовнинг қўллари исканжасидан чиқариб олишга уринаётган ўсмир. — Сен ҳам қўлга тушиб қоласан.

Шу пайт ичкаридан яна бир ўсмир чиқди. У Ғ. Ҳолматовга ташланди. Лекин қаттиқ зарб еди. Шундан кейин кўздан ғойиб бўлди.

Тергов бўлимининг ходимлари жиноятчиларнинг ишини синчковлик билан ўрганишди. Ҳақиқат юзага чиқди, жиноятчиларнинг ким эканлиги аниқланди. 21 ёшли Ҳамидулла Йўлдошев қилмишларига иқрор бўлди. У 1976 йили ўқишга кириш ниятида Тошкентга келган. Лекин имтиҳонлардан ўта олмаган. Нима қилишини билмай юрган кунларининг бирида у Ҳайдулла Мергенбоев билан учрашиб қолган. Аввал ўғирлик қилганлиги учун жазо муддатини ўтаб келган бу шахс унга меҳнат қилмасдан тўқ ва бошанғ яшаш йўлини таклиф қилган.

Ҳ. Йўлдошев Ўш шаҳридан ўқишга кириш ниятида бирга келган тенгдошлари Р. Эргашев, М. Аҳмедов, Х. Неъматов ва М. Комиловларни ҳам группага олиб келган. Улар деярли икки йил мобайнида фақат ўғирлик билан кун кечиришган. Жумладан, Ҳ. Йўлдошев жиноят устида қўлга тушган куни Ғ. Ҳолматовнинг уйидан гилам, тилла узук, турли кийимлар ўғирланган эди. Буюмларнинг қиймати 824 сўмга тенг эди.

Ишламасдан, ҳалол меҳнат қилаётган кишилар ҳисобига яшаш уларни суднинг қора курсисига ўтириб, қилмишлари учун жавоб беришга олиб келди. Улар бизнинг Ҳ. Мергенбоев йўлдан чиқарди, деб ўз айбларини юмшатмоқчи бўлишди. Аммо Тошкент шаҳри ва областида истиқомат қилувчи граждапларга 9157 сўмдик зарар етказган шахслар қилмишига яраша одилона жазо олиши керак эди. Ҳамза район халқ суди Ҳ. Мергенбоев, Р. Эргашев, Ҳ. Йўлдошевларнинг ҳар бирини беш йил. М. Аҳмедовни тўрт йил, Ҳ. Неъматовни уч йил. М. Комиловани икки йил муддат билан озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Текинхўрлар ўз қилмишларига яраша жазо олишди. Ҳақиқатни аниқлаш, одил ҳўкм чиқариш учун прокуратура, милиция, суд органларининг ходимлари синчковлик билан, жон куйдириб ишлашди. Улар томонидан миллаб километр масофа босиб ўтилди, жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш ниятида улар аввал меҳнат қилган ташкилотларнинг раҳбарлари билан суҳбат ўтказилди. Ўғирланган моллар сотилган жойларда қидирув ўтказилиб, ишга аниқлик киритилди. Буларнинг ҳаммаси адолат учун қилинди. Чунки суд ва прокуратура органлари чиқарган ҳулоса аниқ ва равшан бўлиши лозим.

Прокуратура органлари зиммасига гражданлар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси топширилган. Айни пайтда текинхўрлик, ўғирлик, безорилик билан коммунистик жамият кишиси деган юксак номга доғ тушираётган кишиларга қарши қатъий кураш олиб бориш ҳам уларнинг муқаддас вазифасидир. Шунинг учун ҳам Ҳамза район прокуратураси ходимлари текинхўрларга қарши қатъий кураш олиб боришяпти. Чайқовчилар совет савдоси қоидаларини бузаётган шахсларнинг қора қилмишларига чек қўйишмоқда.

Мана бир мисол. Ҳамза район ошхоналар трестига қарашли 6-ошхонанинг «Роҳат» кафесида сотувчи бўлиб ишловчи Ш. Шорасулов харидор ҳақига хиёнат қилиб уни бир сўм 51 тийинга алдаган пайтда қўлга олинди. Қуйи Чирчиқ районидаги Дмитров номли колхознинг Большевик участкасида истиқомат қилувчи Мусулмон Тўраев эса енгил-елпи бойлик орттириш учун бутунлай бошқа йўл танлаган. У ноёб молларни турли шаҳарлардан олиб келиб, уларни Тошкентда ва ўз қишлоғида чайқов нархида сотишни касб қилиб олган. У милиция ходимлари томонидан давлат нархи 90 тийин бўлган велосипед камераларини бир ярим сўмдан сотаётган пайтда қўлга олишди. Уйи тинтув қилинганда 376 дона велосипед камераси топилди. Район халқ суди Ш. Шорасуловни харидорлар ҳақига хиёнат қилганлиги учун уч йил, М. Тўраевни чайқовчилик билан шуғулланганлиги учун тўрт йил муддат билан озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Қисқа қилиб айтганда районимиз прокуратураси ходимлари текинхўрликка қарши кескин кураш олиб боришяпти. Улар қонунбузарликнинг олдини олиш ниятида корхона ва ташкилотларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб туришибди.

М. МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар Ҳамза район прокурори.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/III да Севги ҳақида қисса (билетлар сотилган). 10/III да Оққуш кўли, 11/III да Суғдиёна қоплони.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/III да Рўйхатларда йўқ, 10/III да Келинлар қўзголони, 11/III да Ғариблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/III да Гулбаҳор қанй?, 10/III да Нурхон, 11/III да Ўжарлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/III да Ҳаммомга бало борми?, 10/III да Кўзингни каттароқ оч, 11/III да Бадбашара ёхуд Эзоп.

ЦИРК

ТОШКЕНТ АВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

9 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — Тақдир (катта зал, 17, 20.00).

Фидойи аёл— «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Бева аёллар— «ЧАЙКА» (19.00), «НУКУС» (17, 19, 20.45).

Тақдир — «ЧАЙКА» (20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00).

Кўз қорачиғи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Карпат довонлари— «ВОСТОК» (18.30, 21.00).

ТОШКЕНТ «МАТБУОТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Буюртмачи ва корхона материалидан гувоҳномалар ва пропусклар тайёрлаб бериш учун ҳамда чекланмаган миқдорда қоғозларни қирқиб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БАЖАРИБ БЕРИШ МУДДАТИ ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛИШИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «УЗСПЕЦВОДДРЕНАЖ» ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА КОЛОННАСИГА

электр-газ пайвандчилар, мотористлар, автотранспорт ремонти бўйича слесарлар, металл конструкторлари ва трубопроводларни монтаж қилувчи монтажчилар, бульдозерчи-трактор чилар, автокранчилар, Э-304, Белорусь ЭТР-161 экскаваторларининг экскаваторчилари, шофёрлар, дурадгорлар, ғишт терувчилар; бурғулаш бўйича ишчилар, бурғулаш мастерлари, бурғулаш мастерларининг ёрдамчилари; электр узатиш ва алоқа линияларини монтаж қилувчи линия электр монтажчилар, турли ишчилар

КЕРАК

ИШЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ ИШБАЙ ВА МЕҲНАТНИНГ КЎЧМА ХАРАКТЕРИГА ҚАРАБ 30 ПРОЦЕНТ ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Ишчиларни иш жойига элтиб қўйиш, ташкилотга бириктирилган транспорт томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Калинин район, Назарбек номли совхоз, (135-автобуснинг «Мактаб» бекати).

ШИША ИДИШЛАР—МАГАЗИНГА

Уйингизда бўш шиша идишларнинг йиғилиб қолишига йўл қўйманг.

Майонез, қаймоқ, компотлардан бўшаган банкалар, пахта ёғи, лимонад, минерал сувидан бўшаган бутилкалар саноатимиз учун жуда зарурдир.


ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ЛЕНИН РАЙОНИ ПИШЧЕТОРГИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ ВА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

Аҳолидан мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган ҳар хил ҳажмдаги шиша идишларни

СОТИБ ОЛАДИ

УНУТМАНГ! 1978 йилнинг 1 февралидан бошлаб 200 граммдан 700 граммгача бўлган банкаларнинг ҳар бирига 10 тийингача ҳақ тўлаб сотиб олинмоқда.




МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

2 — Привокзальная майдони.
10— Қўйлиқ бозори.
12 — Стародубцев кўчаси, 146-уй.
14 — Новий путь кўчаси.
16 — Фоменко кўчаси, 64-уй.
18 — 3-«Қўйлиқ» массиви, 33-уй.
20 — «Қўйлиқ» массиви, 16-уй.
22 — Мунис кўчаси, 1-уй.
31 — Куйбишев шоссеси, 844-уй.
33 — Червяков кўчаси, 51-уй.
50 — Олтинқўл кўчаси, 92-уй.
53 — Куйбишев шоссеси, 532-уй.

Бўш шиша идишлар қабул қилинмаган тақдирда 33-78-24 телефони бўйича мурожаат қилинг.

ЛЕНИН РАЙОН ПИШЧЕТОРГИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.


«ШАРҚ» БИРЛАШМАСИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ



Етти предметдан иборат ётоқ набори, етти предметдан иборат кабинет набори, тахта, хонтахта, диван каравот, трельяж, кўйлаклар шкафи, юмшоқ стуллар, яримюмшоқ ва қаттиқ стуллар, овқатланиш столлари, журнал столчаси, китоб жавони, секретер-шкаф, идиш товоқлар учун шкаф, тўшакли каравот, миллий анъанадаги совға буюмлари — ана шулар ҳозирги кунда

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маркаси билан чиқарилаётган маҳсулотларнинг бир қисмигинадир.



Агарда сиз хонангизга қулай, чиройли мебеллар қўйишни, кўркам ва бежирим бўлишини хоҳласангиз, бирлашма маҳсулотларидан сотиб олишни сизга маслаҳат берамиз.

Бирлашмада тайёрланаётган мебеллар она-оталар ёки яқин кишилар томонидан янги уйларга кўчганларида ва ёш келин-куёвларга ажойиб совға бўлади.

Шарқ маҳсулотлари ўзининг замонавий формаси, полировкаси остига туширилган доимий безаклар, фойдаланиш учун қулайлиги, уни саранжом тутишнинг осонлиги жиҳатдан ажралиб туради.

Бирлашманинг 8 маҳсулотига Давлат Сифат белгиси берилган.

Бирлашма коллективи муассасалар учун ҳам хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Ахир, чиройли, қулай мебеллар ишхонангизда руҳингиз кўтарилиб меҳнат қилишингиз, ўзингизни бардам сезишингизда алоҳида аҳамиятга молликдир.

Шуни эслатиб ўтамизки, маъмурий мебеллар фақат ташкилот фонди мавжуд бўлган тақдирдагина жўнатилади.

Ўртоқлар, сизларни «Шарқ» бирлашмаси маҳсулотлари сотилаётган мебель магазинларига таклиф этамиз.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

9 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Уз уйингни эъзозла». Кўрсатувни Социалистик Меҳнат қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, шоир Р. Гамзатов олиб боради. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Экономиканинг социал проблемалари». Саноат корхоналарида ижтимоий планлаштириш системаларини такомиллаштириш тўғрисида. 19.15 Халқаро конкурс лауреати Р. Хунцария чалади. (фортепьяно). 19.30 «Фан оламида». 20.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Валли, қизлар!». 23.50 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.30 «Прогресс» программаси (рус.). 19.00 «Чорвадор» программаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оперетта саҳифаларида». Меҳнат Қизил Байроқ орденли Москва Давлат Академик, оперетта театрининг етакчи артистлари иштирокида концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сирдарё область Гулистон районидаги «Узбекистон» колхозининг бригадири Мирзамидин Исақулов ҳақида телевизион очерк. 21.00 «Холисхон Қодирова куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «СССР Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг уч йиллик планини бажарамиз». «Бухоро пахта тозалаш заводи». 22.15 «Келин». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

10 МАРТ —ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.25 «Аёллар». Бадиий фильм. 15.30 Ҳужжатли фильм. 15.40 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. «Эндшпиль». 16.10 «М. Ю. Лермонтов— рассом». Кўрсатувни И. Андроников олиб боради. 17.10 «Объектив».

17.40 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Иссиқ нон». Мультфильм. 18.55 «Ўртоқ Қўшиқ». 19.25 «Келинган йигит». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади. 23.30 «Дўстларимиз овози». Эстрада программаси. 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эволюциянинг асосий йўналишлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Келин». Бадиий фильм. 14.15 «Камалак» программаси.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 18.30 «Зангори экран» почтаси. 19.00 «Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Гулчеҳра ер». Лирик концерт. 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.00 «СССР Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг уч йиллик планини бажарамиз». «Риштон керамика заводи». 22.15 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Пионер горнлари янграйди». 19.30 «Инглиз тилида сўзлашишга ўрганинг». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 «Тошкент— Хасково. Дўстлик алоқалари мустаҳкамланмоқда» (рус.). 21.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Сиёсий иқтисод (рус.).

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.

9 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, маитаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 07511.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1253.